

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ
А.ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси

“Химоя қилишга рухсат бераман”

Тарих факультети декани в.б. доц. Тангиров А.

« _____ » _____ 2011

5140600-Тарих

МАВЗУ: АРАБЛАР БОСҚИНИ ДАВРИДА МАВАРОУННАХР

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ

Бажарувчи:

Кенжаева Шахзода

Илмий раҳбар:

тфн. доцент Нуркулова Р.

БМИ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси йиғилишининг № _____ сонли
қарори билан ҳимояга тавсия етилган.

Кафедра мудири:

доц.А. Пардаев

Жиззах – 2011

Мундарижа

Кириш

3-6

I БОБ АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ТОМОНИДАН МОВАРОУННАХРНИНГ БОСИБ ОЛИНИШИ

I.1. Араблар томонидан Мовароуннахрнинг босиб олиниши
7-17

I.2. Арабларнинг Мовароуннахрдаги исломлаштириш сиёсати ва унинг
оқибатлари 18-25

I.3. Араб босқинчиларига қарши халқ озодлик ҳаракатлари 26-39

II БОБ МОВАРОУННАХРДА АРАБЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

II.1. Араблар ҳукмронлиги даврида Мовароуннахрдаги сиёсий ва ижтимоий-
иқтисодий ҳаёт 40-48

II.2. Мовароуннахрда араблар ҳукмронлиги ўрнатилишининг маданий ҳаётга
таъсири 49-58

II.3. Араблар босқини даврида Мовароуннахр мавзусини янги педогогик ва
ахборот технологиялари асосида ўқитиш 59-66

а) Интерфаол таълим сифат кафолати

б) Интерфаол таълим методлари

в) мавзуни ўрганишда "Ақлий ҳужум" методидан фойдаланиш

Хулоса

66-69

Фойдаланилган адабиётлар

70-71

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда янгилашиш, покляниш ва маънавий юксалиш жараёни талаблари Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг илғор маданий, ижтимоий-фалсафий мероси, ундаги умуминсоний, ахлоқий кадриятлари, хурфикрлилик ва айниқса диний-ориблик анъаналарини янада чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганишни кун тартибига қўймоқда. Шарқ халқларининг Ўрта асрлардаги илғор маънавий, ахлоқий-маданий ва илмий меросидаги инсонпарварлик, муҳаббат, дўстлик, меҳнатни севиш, одамийлик каби маънавий кадриятларини тарғиб қилиш ҳам ижобий аҳамиятга эга. Бутун жонзотларга муқаддас маъно берувчи меҳр-муҳаббат иймон ва инсоф тушунчалари ислом динида айниқса кўп тарғиб қилинади. Ислам динининг кириб келиши унинг асл ғоялари анъаналари мазмун моҳиятини чуқур англаш жамият аъзоларини маънавий тарбиялаш, уларни комил инсонлар бўлиб етишишида катта аҳамиятга эга.

Республикамиз мустақил ривожланишга илк қадам қўйган кунларданок, “Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаш”¹ни ўзининг кучли демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги пировард мақсади қилиб белгилади. Ушбу мақсад, Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, ривожланган давлатлардан нусха кўчирилмаган, аммо улардаги юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришган ҳолда миллатимиз маданияти, анъаналари ва ижтимоий-тарихий тажрибаларига таяниб “фаровон турмуш таъминладиган демократик ривожланиш йўлини изчил давом эттириш”² дан иборат бўлиб қолмоқда.

¹ Каримов И.А.. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 39 б.

² Каримов И.А.. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 331-332 б.

Тарихимизнинг энг истибодли вақтларидан бири араб босқинчилиги даври ҳисобланади. Истиқлол йилларида Ўзбек халқининг асл тарихи ёритилиб халқимиз бундан хабардор бўла бошлади. Узоқ вақтлар камситилган миллий қадриятлари, диний удумлари қайта тикланди.

Истиқлолнинг дастлабки пайтларида, жамиятимиз аъзоларида, маънавий бўшлиқнинг ўрни ҳали тўлмаган эди. Бундан мустақил тараққиётимизни, халқимиз осойишталигини кўра олмаган, ўзини “хақиқий ислом ҳимоячилари” деб атаган экстримистлар фойдаланиб қолишга ҳаракат қила бошладилар. Улар ўзларининг асл ниятларини амалга ошириш учун аввало ёшлар онгини захарлаб, уларни ўз ортидан эргаштира бошладилар. Бундай ҳаракатларга қарши туришда ҳукуматимизнинг оқилона сиёсати, маънавий соҳадаги ислохатлари муҳим аҳамиятга эга бўлди¹. Президентимизнинг, “Ғояга қарши Ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат”, - деган сўзлари асосида мустақиллигимизни кўра олмаган кучларга қарши ураш олиб борилди. Халқимизнинг маънавий қиёфасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу ҳақда Президентимиз, “Хўш тарихнинг маънавиятимизда тўтган ўрни қандай? Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта мумкин эмас! Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта тарихий хотира керак,” - деб таъкидлаган эди².

Замон шиддат билан тараққий этиб глобаллашиб бормоқда. Бугун жамиятимизни, Ахборот технологиялари ва компютэр-интеэрнэт тизимисиз тасаввур этиш қийин. Истаган пайтда дунёнинг турли бурчаги билан мулоқотга киришиш мумкин. Бу ижобий ҳол албатта. Бироқ, юқорида таъкидланган техника воситалари орқали кириб келаётган ахборотлар ва кучайиб бораётган Ўзаро алоқалар туфайли ғарб олаמידан тўсиқ билмай кириб келаётган, менталитетимизга зид, айрим янгича расм-русумларнинг

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ... Т., Ўзбекистон, 1997. 51 б.

² Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йук .Т.,1998,11 б.

ёшларимиз маънавий қиёфасига кўрсатадиган салбий тасирлари долзарб масалалардандир. Шундай бир даврда, милатимиз келажаги эгаларининг ўзлигини сақлаб, миллий қадриятларимизга содиқ, халқимизнинг минг йиллик анъаналарини асраб кейинги авлодларга етказадиган асл фарзандлар бўлиб етишишида тарихнинг тўтган ўрни бекиёс.

Ҳурматли юртбошимиз И.А.Каримов, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, уларда миллий ғурур ва фахр туйғуларини шакллантиришда тарихнинг тўтган ўрнига баҳо бериб шундай деган эди: « Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон. Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай инсонларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳўшёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди³».

Ўрганилаётган мавзудан кўзланган мақсад ва вазифалар. Асосий мақсад эса Араб халифалигининг вужудга келиши, унинг истилочилик юришлари, ислом динининг тарихий тараққиёти, халифалик даврида яратилган илм-фан соҳасидаги улкан ўзгаришларни илмий таҳлил қилишга бағишланган. Ўрта Осиё халқлари тарихини ҳар томонлама ўрганишда араб мустамлакачилиги даврини тадқиқ этиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Тарихшуносликда арабларнинг Туронни истило этиши мавзуси бирқадар ёритилган. Умумий, ёинки, йўл-йўлакай тарзда бўлган талқинлар эндиликда Ватан тарихига қизиқувчиларни қаноатлантира олмайди. Мустақиллик шарофати ўлароқ, кечмиш ҳақидаги аслига монанд ҳақиқатни айтиш имконияти туғилди. Мавжуд манбаларни қиёсан ўрганиш, холис ва ҳалол, ҳаққоний ҳулосалар чиқариш умумбашарий илмий андозалар талабига жавоб беради. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз тарихининг VII-IX асрлари ҳақида ҳозиргача мавжуд саҳифаларда ойдинлаштирилиши, тўлдирилиши, теранлаштирилиши ва

³ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йук .Т., 1998, 12-13 б.

аниқлаштирилиши лозим бўлган ўринлар жуда кўп. Унда араб ва ўз муаллифларимиз IX-X асрларда яратган манбалар, хорижий ва собиқ Шўро муаррихларининг ушбу мавзуга доир асарлари талқини, таҳлили орқали истило манзарасини нисбатан тўлароқ тиклаш йўлидан борилади⁴.

Ҳаддан зиёд чўзилган, уч асрга сурон солган араблар истилоси ва унинг оқибатлари ишнинг моҳиятини ташқил этади.

Мавзунинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объектини асосан Моварауннахрда араблар босқини даврида кечган ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларни тадқиқ этиш ташқил этади. Предметини эса, ўрганилган ёдгорликлардаги манбаларни таҳлил қилиш орқали минтақада ислом динининг ёйилиши, уларнинг пайдо бўлиш илдизлари, даврийлаштирилиши, халифалик давридаги моддий ишлаб чиқариш тизими, жамиятнинг ижтимоий структураси, диний удум ва анъаналари, маданий ҳаётининг барча шакллари таҳлил қилиш кабилар ташқил қилади.

Мавзуни ёритишнинг методлари. Тадқиқотда тарихийлик, илмийлик, холислик, ҳаққонийлик принципларига амал қилинган ҳолда умуминсоний қадриятлар ҳамда миллий ғоядан келиб чиқиб ҳолда ёндошилади. Ёзма манбаларни ўзаро қиёслаш асосида илмий хулосалар чиқарилади.

Шу билан бирга, тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий таҳлил, қадриятлар уйғунлиги тамойилларига амал қилинади ва илмий-методологик омил, тарихий-фалсафий қарашлар ҳамда услубларга эътибор берилади.

Ишнинг таркибий тузилиши. Ушбу БМиш Кириш, иккита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

⁴ Мавзу шу пайтгача кўп олимлар томонидан ўрганилган бўлиб унинг тадқиқ даражасини БМишнинг охирида келтирилган адабиётлар рўйхатидан ҳам билиш мумкин.

I БОБ АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ТОМОНИДАН МОВАРОУННАХРНИНГ БОСИБ ОЛИНИШИ

I.1. Араблар томонидан Мовароуннахрнинг босиб олиниши

Араб халифалиги (632 — 1258)– VII-VIII асрларда араб истилолари натижасида Арабистон ярим ороли, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка, Испания, Марказий Осиё ва Кавказортини ўз ичига олган давлат ҳисобланади. Ибн Халдуннинг ёзишича, “жоҳилия араблари” фақат диний сифатдаги (пайғамбарлик, валийлик, коҳинлик ва ҳ.кўринишидаги) ҳокимиятни тан олганлар. Шунинг учун ҳам ҳижрат(622 йил) дан сўнг Мадинада барпо бўлган ва 630—632 йилларда бутун Арабистон ярим оролини ўз ичига олган тузум ислом динига асосланган, теократик давлат шаклини олган. Бу давлатнинг бошлиғи— расулуллоҳ — Аллоҳнинг элчиси Муҳаммад(сав) – пайғамбаримиз ҳисобланади. Бу давлатни келажакда бошқарадиганлар сиёсий усуллардан фойдаланишлари муқаррар эди, зеро Муҳаммад (сав) — пайғамбарларнинг охиригиси (хотам ул-анбиё). Биринчи бўлиб бу ҳақиқат Пайғамбар (сав) томонидан англанди. “Халифалик мендан кейин умматларим ичида ўттиз йил, сўнгра амирлик (подшолик) дир” деган мазмундаги ҳадис айнан шу фикрни исботлайди. Дарҳақиқат Аллоҳнинг номидан (вахий орқали) умматини бошқарган Муҳаммад пайғамбар вафотидан сўнгра раҳбарликка илоҳий раҳнамолик сифатида эга бўлмаган ва бунга даъво ҳам қилмаган халифалар келган⁵. Саҳобалар бундан кейин дунёвий ишларни оддий инсон ҳукмдор — амир бошқаришини тушунганлар. Маккалик ва мадиналик саҳобалар — муҳожирлар ва ансорлар ўртасидаги баҳс фақатгина уларнинг қайси бири ана шу лавозимга сайланиши ҳақида

⁵ Аҳмедов. Б. Ўзбекистон тарихи халқлари манбалари. Тошкент, 1991.26 б., Беляев В. А. Илк ўрта асрларда араблар, ислом, Араб халифалиги, М, 1965.

борар эди. Абу Бакр Сиддикнинг Халифату Расулуллоҳ — Аллоҳ элчисининг ўринбосари бўлиб сайланиши шундан далолатдир. Айнан шу даврда ҳокимият вазифаларининг (суд, молия ва ҳакозо) бўлиниши ва уларнинг, асосан, муҳожирлар ўртасида тақсимланиш юз берган. Бу жараён, яъни давлат бошқарув тизими динийлик қиёфасини йўқотиб, дунёвий тус олиши тўртта халифа — Абу Бакр Сиддик (632— 634), Умар ибн Хаттоб (634—644), Усмон ибн Аффон (644- 656) ва Али ибн Абу Толиб (656—661) даврида узил-кесил амалга ошган.

Араб халифалиги асосчиси пайғамбар Мухаммат(алайҳус- салом)нинг энг яқин сафдоши халифа Абу Бакр Сиддик ҳисобланади. Араблар юқорида зикр этилган мамлакатларни 633—715 й.лар орасида босиб олганлар. Бу мамлакатлар асосан “Хулафо ар-рошидин” (“Тўғри йўлдан боровчи халифалар”) ва уммавийлар замонида фатҳ этилди⁶. Али ибн Абу Толиб вафотидан сўнг давлатни бошқарган умавий халифалар (661—750) араб тарихий адабиётида “диний тарбиядан умуман йироқ” шахслар сифатида тавсифланадилар.

Милоддан бурунги асрлардан эътиборан Турон деб аталган мамлакатимиз ҳудуди кўп босқинларни бошдан кечирган. Жайхун ва Сайхун оралиғидаги Замин кўпинча турли ўлкаларнинг подшоҳлари тажовузлири оқибатида таланган, вайроналикка юз тутган. Хориждан бўладиган юришлар маҳаллий ихшид, ихрид ва худотларнинг ўзаро бирикмаслиги, мудом ихтилофда бўлиши оқибатида амалга оширилган.

Шимолий Арабисгон яриморолида VI аср ўрталарида вужудга келган араб халифалиги ислом дини мустаҳкам ўрнашуви оқибатида кучли салтанатга айланади. Ислом байроғи остида ўзга юртларни истило қилиш ғоясини амалга ошириш мунтазам тус олади. Дастлаб қўшни бўлган Эрон фатҳ этилади. Амударё ортидаги ўлклар-Мовароуннахрни ислом давлати таркибига киритиш ҳам аста-секинлик билан бошланади. Араблар, афтидан,

⁶ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000, 124б.

туркийларнинг ҳарбий салоҳиятидан хабардор бўлган, шу сабабли, дастлаб бу юртга синов чопқунлари-разведка йўсинидага юришларга аҳамият беришади.

Ҳар бир халқнинг, у каттадир-кичикдир-, Аллоҳ Таоло муҳаррар этган ўз худуди, ватани бўлади. Киндик қони томган тупроқ муқаддас ва табаррук саналади. Бирок, такдир таҳозоси ўлароқ, ўзга юртларга талаб солишлар, бир қитъадан иккинчисига силжшнлар тарих саҳнида ғоят кўп такрорланган. Кўчувлар сиёсий, ҳарбий ёхуд диний нуқтаи назардан амалга оширилмасин, барибир, улар моҳияти замирида манфаат туради. Шу боисдан маҳаллий аҳоли ўз она тупроғини жон-жаҳди билан ҳимоя қилган, уни осонлик билан ўзгалар қўлига топшириб қўймаган. Марказий Осиё заминида неча ўнлаб халқ ва миллат вақилларининг аралаш яшаб келишлари сабаблари ҳам аслида қадим даврларда юз берган буюк кўчувларга бориб тақалади.

Араб ҳалифаларининг Мовароуннаҳрни бўйсундириш учун олиб борган курашлари уч аср юзини кўрган, дейилса муболаға бўлмайди. Ҳалифалик 53 (673)- ҳижрий йилдан то 191 (807)- ҳижрий санага қадар Турон шаҳар ва қишлоқларига қарши 40 га яқин ҳарбий юришни амалга оширади.

Жаҳон босқинлари кечмишида арабларнинг Мовароуннаҳрга нисбатан олиб борган истилочилик курашлари энг узоқ давом этганлиги ва бениҳоя чўзилиб кетганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Таниқли муаррих В.В.Бартольд далолатига кўра, арабларнинг Мовароуннаҳрга қилган энг сўнгги босқини ҳижрий 207 /823/-йилда Усрушанага нисбатан амалга оширилган⁷. Шундан келиб чиқиладиган бўлса, ҳалифаликнинг Мовароуннаҳрга қилган дастлабки синов чопқунлари ҳижрийнинг 32 /654/-йилида юз берганлигини ҳисобга олиб, араблар юртимизни забт этиш учун 169 йил сарфлаган, дейиш мумкин бўлади. Шу далилнинг ўзиёқ маҳаллий аҳолининг истилочиларга нисбатан қанчалик мардонавар, шиддатли кураш

⁷Бартольд В.В. Сочинения. Т. 2.. ч. 1., м., 1963,243с.,

Муҳаммаджонов. А. Ўзбекистон тарихи, Тошкент, 1999.

олиб борганлигини, босқинчиларга узлуксиз қаттиқ қаршилик кўрсатгаклигини англатиб туради.

Арабларнинг Турон Заминга илк даъфа қадам қўйиши «Бухоро тарихи»да шундай баён этилади: «Убайдуллоҳ ибн Зиёд Муовия томонидан Хуросонга юборилиб, у Жайхун дарёсидан ўтиб, Бухорога келган вавқтида Бухоро подшоҳи, ўгли Тағгаода кичик ёшда бўлгани туфайли, бир хотин киши эди. Убайдуллоҳ ибн Зиёд Бойканд ва Ромтинни олиб, кўп кишиларни асир қилди. Тўрт минг бухоролнк асирни шахсан ўзига олди. Бу воқеа эллик учинчи йилнинг охири ва эллик туртинчи йилнинг бошида (ноябр-декабр 673 йил) бўлган эди⁸».

Ат-Табарий ҳам айнан шу воқеани тафсил қилар экан, Наршахийдан фаркли ўларок, Арабистонда, халифалик марказида юз берган ҳодисалар, ноиблар, лашкар бошлиқлари атрофида содир бўлган ўзгаришлар ҳақида далилий нақллар келтиради. Унинг шаҳодат этишича, Хижрийнинг 53-йилида Хуросон ноиб бўлиб турган Зиёд ал-Ҳарисий вафот этади. У Хуросонда икки йил ноиб бўлиб турган эди. Отаси ўрнига бу вазифата угли Абдуллоҳ кўтарилади. У ҳам икки ойдан сўнг ҳаётдая кўз юмади. Шунда Муовия ҳузурига Зиёднинг биродари, 25 ёшли Убайдуллоҳ ибн Зиёд киради ва Хуросон ноиблигини сўрайди⁹. Муовия ҳокимият шаштида ёниб турган Убайдуллоҳга катга ишонч билдиради, уни ўзига жуда яқин олиб, фотиҳлик режа\арининг амалга оширилишида энг муносиб киши деб билади. У навқирон ноибига ўғитлар берар экан, «ўтмас қилични маҳкам ушлашни»- тавсия этади. Бу, чамаси, янги ўлкалар фатҳига киришишда сабр, матонат ишораси эди, чоғи. Шу тариқа, Убайдуллоҳ 53-йилнинг охирларида Суриядан чиқиб, Хуросон сари йўл олади.

⁸ Наршахий. М. Бухоро тарихи. Тошкент. “Фан”. 1966,58б.

⁹ Каримов Ш., Шамсўтдинов Р. Ватан тарихи, Тошкент, 1997, 196б.

Ат-Табарий вокеалар давомини қикоя қилар экан, Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг Хуросонга етиб келиши ва «ўтмас қилич»ни тезда қиндан чиқариши-Амударёни кечиб, туялар қарвонида Бухоро сари юриш бошлагани ҳақида сўзлайди.

Муовия ўзининг Хуросондаги ноиб Убайдуллоҳ ибн Зиёдга ўтмас қилични маҳкам ушлаш ҳақида насихат берганида, билибми-билмай чинакамига қаромат қилган эди. Зеро, арабларнинг Турон Заминани-кадим Ўзбекистон тупроғини забт этиши қарийиб бир ярим асрга (169 йил) чўзилиб кетади. Жаҳон истилолари тарихида бу янглиғ - уч аср юзини кўрган талотуф ортиқ учрамаса керак. Наршахий ва ат-Табарий гувоҳлик берганлари сингари, ҳижрий 32-(652) ва 34-(654) йилларда ҳали синов-разведка тариқасида амалга оширилган юришлардан бошланган истило (фотиҳлик курашлари)¹⁰ ниҳоят, ҳижрий 207 йилда [м. 823 й.] араблар томонидан сўнгги бор Уструшанага қўшин тортш билан хотима топади.

Муовия даврида амалга оширилган дастлабки юришлардан арабларнинг мақсади нима бўлган, аниқ айтиш мушкулроқ. Ҳар иккала муаррихнинг асаридан ҳам бу саволга аниқ жавоб топиб бўлмайди. Академик В.В.Бартольд бу хус.усда фикр юритиб, «арабларнинг Амударё ортита (Мовароуннаҳрга) биринчи юришлари талончилик босқинлари йўсинида эди», деган хулосага келади.

Ат-Табарийда Убайдуллоҳнинг Бухоро мулкларига қилган дастлабки харбий сафарида талончилик ишларини амалга оширганлиги зикр этилмайди. У, бу ҳақда қуйидаги сўзлар билан қифояланади: «Убайдуллоҳ Хуросонга етиб келди ва дарёдан ўтиб, туяларда Бухоро тоғлари томон йўл олди. У биринчи бўлиб, қўшин бошида Бухоро тоғларини ошиб, уларга қарши борган киши эди. У Бухорога тобе бўлган Ромитан ва Бойканднинг ярмини истило қилди. Шу ердан Бухоро қамончиларини (ал-бухарийа) кўлга туширди». Ат-Табарий араблар ўлжа қилган буюмлардан биргина турк подшоҳининг

¹⁰ Равшанов Поён. Ватан тарихидан Турон VII-IX асрларда. Қарши, “Насаф” 2003, 276.

хотини қолдирган бир тоқа бошмоқ баҳоси 200 минг дирҳам бўлганлипи айтиб ўтади холос.

Халифа Муовия (660—680) буйруғи билан Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилигидаги араб қўшинлари 674 й. Пойкент ва Бухорога хужум қиладилар. Бу шаҳарларни талаб, бир минг дирҳам пул, тўрт минг асир ва кўп микдорда қимматбаҳо ўлжалар олиб қайтадилар. Наршахий тарихида эса бошқачароқ манзара акс этади. У, жумладан, бу ҳақда: «Убайдуллоҳ ибн Зиёд Бойканд ва Ромтинни олиб, кўп кишиларни асир қилди. Тўрт минг бухоролик асирни шахсан ўзига олди. У Бухоро шаҳрига етгач, аскарларни саф қилиб, палаҳмонларни шаҳарга тўғрилаб қуйди. Мусулмонлар қурол, кийим-кечак, тилла ва кумушдан ишланган нарсалар ва асирлардан иборат кўп ўлжа қўлга киритдилар. Улар хотиннинг бир пой этигини ҳам пайпоғи билан топиб олдилар. Этик ва пайпоқ тилла (ишлатилиб тиқилган ва) қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди. Уни баҳо қилганларида икки юз минг дирҳам туради.

Ат-Табарий Убайдуллоҳнинг Хуросонда икки йил ноиблик қилгани, унинг ўрнига Саънд ибн Усмон келганини қайд этса, Наршахий Убайдуллоҳнинг «эллик олтинчи йили (25 ноябр 675-13 ноябр 676) Хуросон амирлигидан туширилгандан кейин Саид ибн Усмон Хуросон амири бўлди ва Жайхун дарёсидан ўтиб, Бухорога келди», деган сўзлар билан фикрини хотимлайди. Аниқ бўлаётирки, Убайдуллоҳ ўзининг Хуросондаги иккп йиллик ҳокимияти даврида Бухорога қарши бир бора юриш қилиш билан кифояланган.

VII асрнинг III чораги охирларида, араблар Амударёни кечиб, Бухоро мулклари фатҳи учун келганларида, Мовароуннаҳрда сиёсий парокандалик ҳукм сурмоқда эди. Аслида бу тарқоқлик, майда ҳокимиятчилик иллоти милоднинг IV-V асрларидан эътиборан кучайган бўлиб, эфталийлар ҳукм сурган йилларда айниқса авжига минади. Турк ҳоконлиги даврида ҳам сиёсий бошбошқоқдикка барҳам берилмади. Сўғд номигагина Турк ҳоконлигига тобеъ ҳисобланса-да, б у вақтда унинг

хар буржида ўзига мустақил бўлган мулк эгалари ҳукм суларди. Буни ўша даврларга оид манбалардаги тарихий атамалар ҳам кўрсатади. Самарқандни ихшид, Бухоро ва Нахшабни худот, Кешни ихрқа, идора қилган бўлса, нисбатан кичикроқ мулкларни малик, соҳиб, деҳқони азим, меҳтар, бузург бошқарган. Сўғд давлати араблар юришидан бир қанча вақт олдин турклар қўл остига ўтган эди. Айтилгани сингари, турклар ҳокимияти номига бўлиб, тобеълик йиллик ўлпон тўлашдан нарига ўтмасди. Сўғд таркибига кирувчи Самарқанд, Дабусия, Кушан, Кеш ва Нахшаб мулкларида ўз бошига идора усули мавжуд эди. Ташки душманга қарши биргаликда курашиш ғояси ихшиду худшу ихридларнинг етга ухлаб тушига ҳам кирмас эди¹¹.

Араблар келиши арафаларидаги вазият шуни кўрсатадики, Сўғд мулкларида обрў-эътиборли, таъсири бўтун мамлакатга. ўтадиган давлат бошлиғи бўлмаган, ҳатто, Сўғдда турк ҳоконининг ноиби ҳам йўқ эди. Устига устак, Сўғднинг икки асосий қўтби бўлган Бухоро ва Самарқандда ҳокимият эгасиз, бирида ўғли ёшлиғи сабабли тахтни омонат бошқариб турган худотнинг хотини бўлса, иккинчисида эса, нима сабабдандир ихшид ўрни бўш турган эди. Ҳарқалай, Убайдуллоҳ ибн Зиёд Бухоро ҳамда турк ҳокони лашкарларини тум-тарақай этиб, кўп ўлжа-ю ўлпон билан қайтиб кетганидан икки йил ўтиб, навбатдаги юрғап юз берганда ҳам Самарқанд мулки эгасиз эди. Бу ҳақда қуйироқда сўз юритилади.

«Бухоро тарихи»даги бир чизгига эътибор бериш лозим кўринади. Убайдуллоҳ ибн Зиёд юртга қўшин билан келганда Бухоро Худоти вазифасини адо этаётган малика араблардан уришмоқ учун етти кун муддат сўраб, ҳомий туркларга чопар жўнатади. Турк ҳоконининг қароргоҳи Сирдарёдан нарида эди. Табиий бир савол туғилади, нега бухороликлар ёрдам учун ён қўшнилар, нисбатан яқин масофада бўлган Нахшаб ва Кешга одам юбормаган? Жуда оғир, ҳалокатли вазиятда ёрдам сўрашга ботинмаслик қўшничилик муносабатларининг ишқал эканлигини

¹¹ Наршахий. М. Бухоро тарихи. Тошкент. «Фан». 1966, 796.

кўрсатмайдими? Шубҳасиз, муаррих илдизии очмаган бу чизгиларда ўша даврнинг манзарасини пайкаб етса бўлади. Етти кунда турк лашкари ёрдамга улгуриб келолмагач, Бухорони бошқариб турган малика араблардан яна етти кун муҳлат сўрайди. У иккинчи муддатда ҳам яна турк ҳоконига мурожаат қилади. Ниҳоят, туркийлар лашкари ёрдамга келади, аммо, арабларнинг қўли баланд бўлади.

Убайдуллоҳ ибн Зиёди Хуросон ноиби этиб тайинлаган Муовия, афтидан, унинг фотиҳлик ишларидан қоникмаган. Бухоро юришидан бир йил ўтар-ўтмас уни ички Арабистонга чақириб олишади ва Басра ноиби қилиб қўйишади. Хуросонга эса Аслама ибн Зуръуни ноиб қилиб юборадилар. Аслама ҳам ишончни оқлай олмайди. Унинг қисқа фурсатли ноиблик даврида истило ишларига умуман ҳаракат қилинмайди. 56-ҳижрийда (676 м.) Хуросон ҳокимиятига Саъид ибн Усмон қўйилади.

Ат-Табарий тарихида бу ҳақда қизиқарли маълумот берилади. Жумладан, ҳали Убайдуллоҳ ибн Зиёд Хуросон ноиби бўлиб турган вақтида Саъид ибн Усмон ҳалифа Муовия олдига келиб очикдан очик Хуросон мулкани талаб қилади. Бунда у Муовияга отасининг бир вақтлар қилган хизматини пеша этади. Ноилож қолган Муовия, унга «урушлар билан Хуросондаги мавқени мустаҳкамлаш» шартини қўйиб ноибликка тайинлайди.

Ҳалифа Муовия Саъидга Хуросондаги уруш ҳаракатларини кенгайтиришни вазифа қилиб қўйгани сабабли, у ўз атрофига жангари, қароқчиларни туплашга интилади. Ат-Табарий бу ҳақда тубандагиларни ёзади: «бадавийлар қабилаларидан бири Батн Фелж йўлида зиёратчиларни та'аб, қароқчилик билан шугулланиб келар эди. Саъидга, «бу жойда зиёратчиларни толон қилиб, уларга қаттиқ хавф солаётган одамлар бор, сен уларни олиб кетганингда бормиди», дейишади. Ва у ўзи билан тамим қабиласидан кўп одамларни бирга олиб кетади. Улар орасида ўзининг довюрак кишилари билан Малик ибн ар-Райб ал-

Мазиний ҳам бор эди». Саъид ибн Усмон, англашиладики, Хуросон ноиби вазифасига кўтарилгач, Убайдуллоҳ ибн Зиёддан кўра кескирроқ қилич хозирлашни афзал билган кўринади¹².

Хуросоннинг янги ноиби фатхлик ишларида кўзи пишган одамлар куршовида ҳокимиятда қарор топгач, кўп ўгмай Амударё ортига қўшин тортади. Бу ҳақда «Бухоро тарихи»да муфассалроқ хикоя қилинади: «Саъид ибн Усмон Хуросон амири бўлди ва Жайхун дарёсидан ўтиб Бухорога келди. Хотин унга одам юбориб «Убайдуллоҳ ибн Зиёд билан тунаган сулҳимда барқарорман» деди ва молдан бир озини юборди. Ногоҳ шу аснода Сўғд, Кеш (Шахрисабз) ва Нахшаб (Қарши) лашкарлари етиб келдилар. Уларнинг сони бир юз йигарма минг эди. Хотин сулҳ тузганлиги ва мол юборган-лигига пушаймонлик билдирди. Саъид: «Мен ҳам шундай фикрдаман», деди-да, молни қайтариб юбориб, «Бизнинг орамизда сулҳ йўқ», деди. Шундан кейин лашкарлар йиғилишиб бир-бирларига қарама-қарши туриб, саф тортдилар. Худой таоло кофирлар (яъни, маҳаллий қўшинлар) дилига ваҳима солиб, уларнинг ҳамма лашкарлари урушсиз орқага қайтдилар. Хотин ёлғиз қолиб, яна одам "юборди ва (Саъиддан) сулҳ сўради, мол (миқдорини) кўпайтириб, ҳаммасини юборди¹³. Саъид: «Мен энди Сўғд ва Самарқандга бораман, сен менинг йўлимдасан, (қайтишимда) менинг йўлимни тўсмаслигинг ва мени ранжитмаслитинг учун сен томондан бирор гаров бўлиши лозим», деди. Хотин маликзодалар ва Бухоро деҳқонларидан саксон кишини гаров қилиб Саъидга берди».

Саъидга қарши курашга оғлашай Самарқанд, Кеш ва Нахшаб лашкарининг урушмасдан орқага қайтиши, муаррих айтганидек, шунчаки ваҳимадан бўлмаса керак. Чунки, сон жиҳатдан ҳам арабларга қарши борганлар анча устун эди. Хўш, гап нимада бўлиши мумкин? Убайдуллоҳ ибн Зиёд бостириб келганда кўркувга тушган Бухоро подшоҳи хотин киши зудлик билан узокдаги ҳомийлари-турк ҳоконига чопар жўнатган эди. Бу сафар хотин ҳеч

¹² Равшанов Поён. Ватан тарихидан Турон VII-IX асрларда. Қарши, «Насаф» 2003, 396.

¹³ Наршахий. М. Бухоро тарихи. Тошкент. «Фан». 1966, 846.

жойга элчи юбормаган. Унинг ваъда қилинган молнинг бир қисmini Саъидга бериши ҳам кўнгли тўқлигини кўрсатади. Зеро, Бухоро, Самарқанд, Кеш ва Нахшаб ўртасида бунгача биргаликда курашиш учун аҳду наймон қилинган. Хатто, улар Саъиднинг Амударёдан ўтиши ва Бухоро осгоналарига қадар яқинлашиб келаётганидан кўз-қулоқ бўлиб турганлар. Энди, урушмасдан, жанг майдонини ташлаб, хотинни ёлғиз қолдириб кетишга келганда, ҳарб бошланишидан олдинги ихтилоф нимадаи чиққанлигини айтқш мушкул. Нима бўлганда ҳам, Мовароуннахрнинг заруратдан бирлашган қўшинида ягона бошликнинг бўлмаганлиги, бунинг устига, Сўғднинг асосий шаҳари Самарқанднинг эгаси йўқлиги тўрт шақар қўшинларнинг қовуш-маслигага сабаб бўлганлиги ойдинлашади. Бу ҳолдан, табиийки, истило машқини олган араблар фойдаланмаслиги мумкин эмасди. Ягона ҳукмдорнинг йўқлиги, ҳар бир қўшин тўпининг ўз бошига ҳаракат қилиши, «жанга сен кир, мен кир», қабилидаги келишмовчиликлар, - охир-оқибатда, иттифоқчиларнинг бир-биридан юз ўтиришларга олиб келади.

Бухорода жангсиз голиб бўлган Саъид ибн Усмон эгасиз юртни эгаллашнинг айнқ вақти эканлигини фаҳмлаб қолади-да, Самарқанд сари - отланади. Бу ҳақда Наршай ўз тарихида шундай ёзади: “Саъид Бухоро ишларидан фориғ бўлгач, Самарқанд ва Сўғдга бориб кўп жанглар қилди ва зафар унинг томонида бўлди. у вақтда Самарқандла бирор подшоҳ йўқ эди. Саъид Самарқанддан ўттиз минг кишини асир қилиб, кўп мол қўлга тушириб қайтди”.

Истило ишларининг VII аср учинчи чорагидан то Қўтайба ноиблиги даврига (705-715) қадар аччиқ ичакдек чўзилиб кетиши ва Қўтайба ҳокимияти даврида фаоллашиши биргина товон билан қониқиш еҳуд табиий шароит билан боғланиб қолмаган эди, албатта. Қўтайбанинг ҳаракатларидан кейин ҳам Мовароуннахрни забт этиш яна бир неча ўн йилларга узайиб кетади. Бундай сусткашликнинг илдизини ҳалифаликда юз бераётган нотинчлик, сиёсий инқирозлар ва қаршилик ҳаракати бардавомлигидан

ахтариш ўринли бўлур эди. Зеро, истилонинг энг авж олган даври-Қутайба муваффақиятлари хотимаси ҳам халифаликда юз берган ҳокимият талашувлар оқибатида инқироз батқоғига ботиб кетади.

704 йил Қўтайба ибн Муслим Хуросон амири этиб тайинланади. Унга Ўрта Осиёда араб халифалиги ҳукмронлигини ўрнатиш вазифаси топширилади. Шу даврдан арабларнинг Моварауннаҳрни босиб олишининг **иккинчи босқичи** бошланади. 706 йили Қўтайба Омул (Чоржўй), Замма (Карки) ва Бухоро шаҳарларини эгаллаб, Пойкентни қамал қилади ва уни олади. 709 йил Қўтайба Зарафшон водийсининг қуйи қисмидага энг кучли Варданза (Шопиркон) ҳукмдори Варданхудот устига юриш қилади. Варданза ва Бухоро устидан ғалаба қозонди. 710 йили Қўтайба Кеш (Шаҳрисабз) ва Насаф (Қарши) шаҳарларини босиб олади. 711 йили Хоразмда бошланган ички ғалаёнлардан фойдаланиб, Хоразмга юриш қилади ва у ерда араб ҳукмронлигани ўрнатади. Шу йили Қўтайба Хоразм ва Бухорода ҳарбий куч тўплаб, Самарқандга юриш қилади. Шош (Тошкент), Фарғона ва туркларнинг ёрдамига қарамай Самарқанд таслим бўлади. Қўтайба билан Самарқанд ҳокими Гурек ўртасида битим тузилиб, Самарқанд ҳукумати араб халифалиги учун ҳар йили икки млн. 200 минг дирҳам бож тўлаш мажбуриятини олади. 713—715, йиллари Қўтайба Тошкент ва Фарғона вилоятларини бўйсундириб, Қашқаргача бўлган ерларни ишғол этди. Араб истилоси туфайли Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданияти йўқ қилиб юборилди. Хоразм, сўғд ва бошқа маҳаллий ёзувларни билганлар ўлдирилди. Кўп минг йиллик ноёб асарлар, тарихий хужжатлар ёқиб юборилди асори атиқалар йўқ қилинди ¹⁴.

96- ҳижрийда (715) Қўтайба халифа ал-Валид ибн Абдулмаликнинг ҳарбий ва маънавий кўллаб-қувватлаши туфайли Қошғар ва Хитой сарҳадларига юриш қилади. Шу орада ал-Валид ҳаётдан кўз юмади. Ҳалифанинг ўлими Қўтайба учун кўтилмаган нохушликларга сабаб бўлади. Зотан, халифа

¹⁴ Муҳаммаджонов. А. Р. Пойканд шаҳри харобалари. Тошкент, “Фан”, 1988.

саройида унинг икки ўғли Абдулазиз ва Сулаймон ўртасида ворислик учун куршн қизғин давом этиб келаётган эди. Вақтида ал-Ҳажжож ва Қўтайба халифанинг иродасига қарши бормай (Ҳалифа Абдулазизни тахт вориси қилмоқчи эди), Сулаймонни ворисликдан маҳрум этиш ва Абдулазизни ёқлаш, қўллаб-қувватлашга қасамёд қилган эдилар. Иттифоқо, халифа тахти Абдулазизга эмас, Сулаймонга насиб этади. Сулаймон халифалик маснадига ўтирар-ўтирмас, ашаддий ёмон кўргани ал-Ҳажжож ва унга тобин кишиларни қатағон қила бошлайди. Бундан машҳур саркарда, халифаликнинг ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишига бемисл ҳисса қўшган Қўтайба ва унинг биродарлари ҳам четда қолмайди¹⁵.

Муаррих ат-Табарий шаҳодат этишича, 96-йил юришида араб сипоҳийлари ўз оилаларини, эҳтиёт, шарт, ўзлари билан бирга олганлар, Қўтайба эса ўз оиласини Самарқандда қолдириб, унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳаракатини қилади. У, Сулаймоннинг халифалик тахтини эгаллаганидан кўрқувга тушган ва ундан оиласига жабр етишини яхши билган. Шу боисдан, оиласини Марвда қолдиришдан кўра, дарё ортига кўчиришни афзал ҳисоблаган.

Қўтайба Сулаймонга бир йўла учта мактуб йўллайди. Биринчи хатида уни халифалик маснадига кўтарилиши билан қўтлайди ва отаси ал-Валидга таъзия изҳор этади. Шунингдек, у бобоси Абдумалик ва отаси ал-Валидга садоқат ила хизмат қилганлигини, Хуросон ноиби бўлиб турса, унга ҳам аввалгидек сидқидилдан хизматда бўлажагини айтишни ҳам унўтмайди. Ҳалифа билаи Қўтайба ўртасида газаклаган ихтилоф тафсилоти бу ўринда ҳожат кўринмайди. Ҳокимият талашиш, қабилавий низолар, худбинлик, охир-окибатда, Фарғонада турган Қўтайба қароргоҳида, унинг қўшинлари ичида хдм авжга минади. Янги Ҳалифа хоҳиши билан Қўтайбага нисбатан ўтказилган совуқ муносабат оқибатида Қўтайба ва унинг укалари, ўғиллари

¹⁵ Қодирова Т. Қ. VIII ва IX аср бошида Мовароуннаҳр ва Хуросонда деҳқонлар қўзғолонлари тарихидан. Тошкент, 1965.

ўлдирилади. У ҳаётининг охирги кунларида кўрқувга тушиб, Ҳалифага бир эмас учта таҳликали номалар битганига карамай, ўйлагани юз беради. 97-хижрийда (715) Хуросон ноиби Язнд ибн ал-Мухаллаб бўлади. У Хуросонни, айниқса, Мовароуннахрни яхши биларди, бу ўша, Насаф даштида туркийлар қулидан ялиниб-ёлвориб қўтилган араб лашкарбошилдридан бири, Кешни икки йил қамалда тутган ал-Мухаллабнинг ўғли эди. Бу ҳолат Қўтайбанинг исён кўтаришига ва унинг ўлимига сабаб бўлади.

Қўтайбанинг ўлими, айнан Хуросонда содир бўлгани-дек, у зўр билан тобеъ этган Мовароуннахр мулкларида ҳам акс-садо бермай қолмаган. Фаргона воҳасида арабларнинг аҳволи танг бўлиб қолади, улар юртдан ҳайдаб чиқарилади. Бироқ, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Насаф ва Кеш каби вилоятларда ҳали арабларнинг таъсири катта эди.

I.2. Арабларнинг Мовароуннахрдаги исломлаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари

Мовароуннахрнинг олган араб босқинчилари бу еада ўзларидан анча устун маданиятга дуч келди. Бундай ҳолатда исломни ёйиш мушкул эди. Шунинг учун улар бу ердаги барча маданият намуналарини йўқ қилишга киришдилар. Минг йиллардан буён эъзозлаб келинаётган санъат асарлари ноёб иншоотлар барчаси ёқиб юборилди. Маҳаллий аҳолига ўз тилида ёзиш ва сўзлашиш тақиқланди. Арабларнинг босиб олинган ерлардаги биринчи вазифаси аҳолини ислом динига киритиш, бўтун-бўтун ўлкалар аҳолисини Мухаммат пайғамбаримиз умматларига айлантириш эди. Мовароуннахрнинг Бухоро, Самарқанд, Кеш каби йирик шаҳарларидаги ҳар бир маҳаллага масжидлар қурилди. Арабистондан кўчириб келтирилган кўплаб оилалар жойлаштирилди. Бироқ, Маҳаллий аҳолининг ислом динига кириши осон кечмади ва узоқ йиллар мобайнида сингиб борди. Дастлаб номозга келган

аҳоли(асосан аҳолининг асосий камбағал қисми келард) га 2 дирҳамдан пул улашилиши кўплаб аҳолининг масжидларга қатнашига сабаб бўла бошлади¹⁶.

Ислон жорий қилинган ҳудудларда ташкил бўлган давлат бошлиқлари шу дин қонун-қоидаларига риоя қилиб, унинг таълимотларидан четга чиқмадилар. Лекин дин байроғи остида ўз ёвуз ниятларини амалга оширган, босқинчилик урушлари олиб борган ҳукмдорлар ҳам кам бўлмаган. Моварюуннаҳр ва жумладан, Самарқандда Қўтайба ўлимидан кейин араблар ҳокимияти номигагина мавжуд бўлиб, аҳоли, энг аввало, аслзодалар, деҳқонлар ислондан қайтган эди. Шу боисдан, Хуросон ноиблигини эгаллаган Ашрас, умуман, Мовароуннаҳр ва, аввола, Самарқанд ахлини ислонга киришга чақиради ва мусулмон бўлганларни жия солиғидан озод қилишга сўз беради.

Аҳолини олиқ-солиқлар, одамларни гаровга олиб, қул қилишлар жуда қакшатиб бўлган эди. Шу сабабли, Мовароун-наҳр юртларида Ашраснинг таклифи маъқулланиб, ислонга қайтиш сезиларли туюлади. Ашраснинг Самарқандга олижаноб, диёнатли руҳоний Абу-с-Сайд Солиҳ ибн Тарифни ва унга ёрдамчи қилиб ар-Робиъ ибн Имрон ат-Тамимийларни тарғибот учун юбориши аҳолида ноибнинг ваъдасига ишончни мустаҳкамлайди. Абу-с-Сайд, Мовароуннаҳрга боришда, Ашрасга ислонга кирганлардан жия солиғи олинмаслигини шарт қилиб қўйган эди. Ноиб ҳам бу шартни маъқуллаб, унга қатта ваколатлар берган эди. Абу-с-Сайднинг Самарқандда олиб борадиган хайрли ишини кўпгина араб арбоблари, лашкарбошилар қўллаб-қувватлаган. Диёнатли ислон намоёндаси жия бобида уларнинг ҳам кўмагига таянган эди.

Абу-с-Сайд ташвиқоти ва қафолоти туфайли Самарқанднинг кўп аҳолиси ислон динини қабул қилади. Бу вақтда Самарқандда ҳарбий ва ҳараж (солиқ) ишларига масъул бўлиб турган ал-Хасан ибн Абул Амаррата ҳам Абу-с-Сайдга ҳамфикр бўлади, унга ёрдам кўрсатади. Самарқанд ихшиди Ғурак,

¹⁶ Беляев В. А. Илк ўрта асрларда араблар, ислон, Араб халифалиги, М, 1965..

чамаси, ўз қавмининг исломни қабул қилишга шошилаётганидан ваҳимага тушибми, ёхуд уларнинг олиқ-солиқлардан озод қилинаётганидан кувонибми, ҳарҳолда, Ашрасга «Дарҳақиқат, хараж тугади», деб мактуб йўллайди¹⁷.

Диёнат ва хиёнат ораси жуда яқинлигини Ашраснинг қилмиши мисолида очик кўриш мумкин бўлади. У, Мовароуннаҳр аҳолисини исломга даъват этиб, жизя солиғини бекор қилишга ваъда берганида юзаки иш тўтганлигини, бебурдлик ва хиёнатни шиор қилганлигини тезда ошкор этади. Ал-Ҳасан ибн Абул Амарратага (бу зот араблар билан маҳаллий аҳолини яқинлаштирмоқни ният қилгани ҳақида олдинроқ айтилган эди) нома юбориб, «Ҳақиқатда, мусулмонлар кучи харажда, менга хабар қилдиларки, сўғдийлар ва унга ўхшашлар жизядан қўтилиш мақсадида, исломни сидқидилдан эмас, юзаки қабул қилганлар. Қараб кўр, кимки хатна қилдирган бўлса, эътиқоди мустаҳкам, исломга содиқ, Қуръондан бирор сура ўқий оладиган бўлса, уни хараждан озод қил», деган бўйруқни беради. Ал-Ҳасан ибн Абул Амаррата, вақтида шу иш ташаббускори бўлган ноибнинг сўзидан қайтаётганлигини ҳазм қила олмаган. Тез орада унинг ўрнига Хониъ ибн Хониъ хараж ишлари му тасаддиси қилиб қўйилади. Ашрас, солиқ ишларини мукаммал йиғишни таъминлаш мақсадида Ғуракни ҳам Хониъ билан бирликда масъул қилиб белгилайди.

Диёнатта қилинган хиёнат, аниқ бўладикки, араблар ўртасида ҳам бир хил қабул қилинмаган, исломга кирган маҳаллий аҳоли тарафдорлари фақатгина норози бўлиб қолмасдан, улар ёнини олиб, исёнга ҳам тайёр бўлишган. Ал-Мужашшир ва Хониъ, уларга Марвдан ёрдамга юборилган Сулаймон ибн Абус Сарилар олиқ-солиқдар олишни нихоятда каттиққўллик билан амалга оширадилар. Маҳаллий аҳолининг таниқли, ҳурматли кишиларини, аслзодаларини ҳам аяб ўтирмайдилар. Исломга кирганлардан ҳам жизя солига ўта кўполлик ва зўрлик билан йиғиб олинади. Деҳқонларнинг

¹⁷ Аҳмедов. Б. Ўзбекистон тарихи халқлари манбалари. Тошкент, 1991, 1586.

калтадан уст-боши йиртилгаи, камарлари бўйнига солинган ҳолда сазойи этилади. Аҳоли ўзининг ҳурматли кишиларининг беҳурмат этилишига, хараж зўровонлигига чидай олмайди. Бўтун Сўғд ва Бухоро аҳолиси исломдан қайтади ва Туркистонга ёрдам сўраб мурожаат қилади.

Воқеаларнинг бундай ривожини кутмаган Ашрас Мовароуннаҳрга қўшин тортишга мажбур бўлади. У олдинроқ жўнатган лашкарбоши Қатан ибн Қўтайба 10 минг қўшин билан дарёдан ўтган ва атрофи хандақ билан ўралган бир мавзеда мустаҳкамланиб олган эди. Сўғд ва Бухоро аҳолиси, уларга ёрдамга келган турк Хокони араб лашкарини ўраб олади. Бу орада Ашрас ҳам Қатанга келиб қўшилади. Икки ўртада қаттиқ жанглар давом этади. Араблардан кўнлаб кишилар ҳалок бўлади. Охир, уларнинг қўли устун келиб, Ашрас Бойканд остонасида жойлашишга эришади. Аҳоли арабларга қатра сув қолдирмаслик чорасини кўрган-қудуқдар кўмиб ташланган эди. Араблар ҳарчанд қудуқ қовлашмасин сув чиқаришга муваффақ бўла олмадилар. Сувсизлик азобидан кўра қилич тигини афзал кўрган араблар жон ҳолатда ҳужумлар уюштириб, қарши турганларни қувиш ва Бухорога яқинлашиш имкониятига эга бўладилар¹⁸.

Умавийлар салтанатининг Хуросондаги мустаҳкам таянчи, шубҳасиз Наср ибн Сайёр эди. У, бу лавозимда ун йил фаолият курсатади. Энг сунгги умавий халифа Марвон ҳокимияти барҳам топганда ҳам у кураш майдонини ташлаб чиқмаган эди. 126- хижрийда (744) Наср ибн Сайёрга қарши Хуросондаги Жанубий араб қабилалари йулбошчиси Жудай ибн Али ибн Шабиб ибн Барорий ибн Сунаим ал-Кирмоний алАздий курашни кучайтиради. Наср бу вавқтда икки ўт орасида қолади. Бир томондан ал-Кирмоний унга таҳдид солаётган бўлса, даре ортидан туркийлар билан қалин иттифокда бўлган ал-Хорис ибн Сурайж ҳужумидан хавфи ҳам йуқ эмасди. Кўпни кўрган арбоб сифатида у ал-Хорисни ўз томонига оғириш, уни туркийлардан ажратиш фикрига келади. Ал-Хорис ибн Сурайж ҳузурига,

¹⁸ Аҳмедов. Б.А. Ўзбекистон тарихи халқлари манбалари. Тошкент, 1991, 576.

Беляев В. А. Илк ўрта асрларда араблар, ислом, Араб халифалиги, М, 1984, 496.

Мовароуннахрга Мукртил ибн Хайён, Саълаб ибн Сафван, Анас ибн Бажал, Худб аш-Шаравий ва Робиъ ал-Курайшийларни юбориб, булиб ўтган ишларга саловат, Хуросонга, уз кавмдошларинг-араблар ёнига қайт, аввалдагидек, уз мавкеингни эгаллайсан, мазмунида хат қилади¹⁹.

Ал-Хорис ибн Сурайж бу вавқтда Термизда яшаб турар, маҳаллий ахрлийинг хурматига нойил булиб, адолат ва ислом дини курашчиси сифатида машхурлик касб этган эди. Унинг умавийлар ҳокимияти билан келишмовчилиги мохияти мазлум халкларга, ислом динини қабул қилганлари ва қилмаганларига Қуръони Карим ва Пайгамбар (САВ) сунна-лари асосида муомала қилишни талаб этишдан иборат бўлган эди. У Абу-с-Сайд издоши сифатида араб амирларининг, лашкарбошилари ва сипохийларининг зулм, фахш ва нафсга ружу қўйганлигидан қаттиқ нафратланган, оқибатда, умавийларга кдрши уруш эълон қилган ва туркийлар тарафида туриб, кавмдошларига нисбатан мурасасиз кураш олиб бораётган эди. У нихоятда камтарона ҳаёт кечирар, кунлик таоми ҳам, айтилишича, нон-сувдан иборат бўлган. Наср ибн Сайёр ал-Хориснинг молу-мулкини мусодара қилган ва яқин қариндошларини, жумладан, ўгли Муҳаммад ибн ал-Хорисни, қизлари ал-Олуф бинти ал-Хорис ва Умм Бақоларни ҳибсда сақлаётган эди²⁰.

Наср ибн Сайёр, чамаси, ал-Хорисни узига яқинлаштириш учун барча чорани кўрган. Тахминан, унинг ризолигини олганидан сунг, гуё ташаббус ал-Хориснинг ўзидан чиққандек булсин учун Термиз ахлидан Холид ибн Зиёд ал-Баддий, амир қабиласидан Холид ибн Амрлар, Халифа Язид ибн ал-Валид ҳузурига йул оладилар ва ал-Хориснинг авфини сурашга бел боғлайдилар. Язид ибн ал-Валид халифалик маснадида бир йилга яқин ҳукм сурган бўлсада, тағзамини бўшашиб қолган салтанатни имкон даражасида мустаҳкамлашга эҳтиёж зурлигини англаб етган. Шу боисдан, умавийларга қарши курашган, энг ёмон, мамлакат ичкарасида эмас, мазлум этилган ўлкада, улар тарафида туриб, Аллохнинг муқаддас китобида айтилган

¹⁹Наршахий М. Бухоро тарихи. Т., “Камалак” 1992, 1246.

тамойиллар бузилаётгани, суннага амал қилинмаётгани даъвоси билан чиқиб, халифалик кудратига бемисл халал етказаётган гунохкори азимни авф этиш оқилона иш булади. деб хисоблайди. Ат-Табарий Халифа Язид III нинг ал-Хорис ибн Сурайжга ёзган мактубидан парча келтиради. Халифа ёзади: «Биз ҳам Аллох, химоясига турдик, зеро, унинг буюрганлари бузилди, унинг бандалари турли офатларга гирифтор эгилди, кўпларининг қони бегунох тўкилди, мол-холлари зўрлик билан тортиб олинди. Биз бу жамоани- Аллох,- у кудратли ва улуғдир-китоби асосида қўтқармокни истаймиз. Аллохдин узга куч йукдир! Шундай қилиб, биз уз мулоҳазаларимизни сенга баён этдик, кўркмасдан узинг ва яна кимлар сен билан бирга бўлса, келаверинглар. Чунки, сизлар бизнинг дустларимиз ва кўмакчиларимиздирсиз. Ва, мен Адуллох ибн Умар ибн Абдулазизга сизнинг ва авлодингизнинг мусодара этилган мол-мулкларингизни кайтариб беришини ёзиб юбордим».

Термиздан борган элчилар Марвга келиб, Халифа ризолигини Насрга билдирадilar. Наср ҳам хаёлламасдан ал-Хорис ва унинг яқинларидан тортиб олинган барча ашёларни кайтариб беради. Бирок,, ал-Хорис ибн Сурайжнинг авф этилиши силлиқ, руй берган деб булмайди, Халқ Халифанинг мактуби келмай туриб, Абдуллох ибн Умар уз розилигисиз ал-Хорисни авф этгани учун Насрни маломат қилади. Наср қилмишидан тавба этиб, ал-Хорисни дарёдан ўтаётганда йук қилиш фикрига ҳам тушади. Бу иккиланишларга халифанинг номаси ва кўрсатмаси чек қуяди.

Ал-Хорис-ибн Сурайж Мовароуинахрда 12 йил хаёт кечиради. У вавқтида Самарқанда Мансур ибн Умар амир булиб турган пайтда бу шаҳарга келган эди. Шундай қилиб, Умавийлар ҳокимиятига қарши борган, унинг устунларини зилзилага солган, мазлумларга қарши қилич кўтарганларнинг қонини оқизган, туркийлар сафида мардонавор жанглар қилган араб лашкарбошиси, Хуросон хорижийлари йулбошчиси ал-Хорис ибн Сурайж 127-(745) хижрийда Марвга кайтади²¹. Хорижийлар исломнинг халқчил

²¹ Равшанов Поён. Ватан тарихидан Турон VII-IX асрларда. Қарши, “Насаф” 2003., Борисов В.М. Арабское средневековье и ислам, М, 1968.

шўъбаси-харақати бўлиб, барча мусулмонларнинг тенглиги учун кураш олиб борганлар. Вақтида, бу харақатнинг Самарқанддаги йирик сиймоларидан ва бошловчиларидан бири Абус-Сайд бўлган эди. У ҳам маҳаллий аҳоли тарафида туриб, адолатни Куръони Карим асосида, сунна воситасида талаб қилганлиги сабабли Марвга чақиртириб кетилган ва кейинги тақдири ноъмалум қолган эди. Хорижийлар имом-халифанинг келиб чиқишидан катъий назар, муносиб кишилардан сайлаб қуйилишини ёқлаганлар.

Табиийки, Наср ибн Сайёр ислом ва адолат яловбардорининг бу талабларини бажаришга кодир эмас эди. Шу боисдан ал-Хорис Насрнинг феъли айниётганидан шубҳа қилиб, унинг ракиби ал-Кирмоний билан алоқа боғлашни маъкул кўради. Унга ҳам Насрга таъкидлаган талабларни – Куръони Карим ва суннага амал қилган тақдирда ёрдамлашажагини шарт қилиб кўяди. Марвда Хорис мухлислари кўпая боради ва улар сони тезда 3 минг кишига етоди.

128-(746) хижрийда Халифа Язид ибн ал-Валиднинг қисқа давом этган ҳокимияти нихоясига етади. Орадан кўп ўтмай, Умавийлардан бўлган сўнгги Амиралму-мўмин Морван бу маснадни эгаллайди. Халифалида бўлган бу ўзгариш Моварауннаҳр ижтимоий ҳаётига таъсир кўрсатмай қолмайди²².

Ислом динини қабул қилиб, мусулмон бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари дастлабки йилларда хирож ва жизя солиқларидан озод этилиб, уларга анча имтиёзлар берилди. Исломни қабул қилишдан бош тортган кимсалардан “жизья ундириб олинган. Бу солиқларни ўз вақтида тўламаган кишилар тутиб олиниб бўйинларига “қарздор” деб ёзилган тахтача осиб қўйиларди. Бундай амалий чора тадбирлар шубҳасиз Моварауннаҳр аҳолисининг ислом динига киришини тезлаштирган. Бироқ шундай бўлсада, исломни қабул қилган аҳолининг кўпчилиги номигагина мусулмон бўлиб, узоқ вақтларгача пинҳона равишда ота боболари диний –маънавий удумларини содиқлик билан давом эттираверади.

²² Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сий-молар, алломалар, адиблар). Т.. Абдулла Қодирий номидаги нашриёти, 2001.

I.3. Араб босқинчиларига қарши халқ озодлик ҳаракатлари

Марказий Осиё халқлари араблар истилочилик юришининг биринчи кунларидан бошлаб ўз эрки ва озодлиги учун муқаддас курашга отланганлар, она Ватан тупроғининг бирор қарич ери бўлса уни жангсиз ва курашсиз босқинчиларга бермаганлар. Арабларга қарши олиб борилган эрк ва озодлик курашининг энг зўтиборли томони шундаки, бу курашда Мовароуннахрнинг ўтроқ қадимий ерлик аҳолиси билан турк қабилалари доимо биргалашиб ягона иттифокда жанг қилганлар.

720—722 йилларда биринчилар қаторида арабларга қарши Сўғдиёнада кўзғолон кўтарилган. Бу кўзғолонга Самарқанд ҳокими Ғўрак ва Панжикент ҳукмдори Диваштич бошчилик қилганлар. Ҳар сафар бўлганидек сўғдликларнинг озодлик ва эрк учун курашларини турклар қўллаб қувватлаганлар. Еттисувдан, Туркаш ҳокон шахзода Курсул бошчилигида катта кўшинни ёрдам бериш учун Самарқандга юборган. Сўғдликларнинг бирлашган кучлари арабларга қарши муваффақиятли жанглар қилиб бир неча сезиларли зарбалар берганлар. Бу пайтда Хуросонда Саид ибн Абдулазиз ноиб эди. У юмшоқ табиатли ва айни замонда кийим-кечакка ўч бўлганлигидан “Хузайна” (уй бекаси) лақабини олган эди. Хуросонга янги тайииланган Саид ибн Амр Ал-Хароший (721) сўғдликларга қарши кескин чоралар кўрган. У Ироқда кўтарилган халқ кўзғолонини бостиришда ўзининг шафқатсизлиги билан ном қозонган эди. Хароший кўрган кескин чоралардан жабр кўриб норози бўлган Сўғд аҳолиси мамлакатни тарк этиб, Фарғонага кўчишга қарор қилган. Сўғд аҳолисидан тахминан 10 миғ киши йўлга отланиб, Хўжанд шаҳрига етиб келганларида Фарғона подшаси уларни шаҳарда жойлаштира олмай Исфара ҳудудларида жойлашишини таклиф этган. Бу биринчи гуруҳ эди. Иккинчи гуруҳ Панжикент ҳокими Диваштич

бошчилигида Зарафшон бўйлаб тоғлар ошиб Обгар (Обаргар) қалъаси олдидан ўтиб илгарилаб борган²³.

Биринчи гуруҳ ҳали Исфарага етиб бормасдан Ал— Хороший юборган араб қўшинлари Хўжандга етиб борганлар ва сўғдлиларни камал қилгаилар. Фарғона ҳокими сўғдликларга ёрдам бермаган. Қамалда қолган сўғдликларни араблар батамом кириб ташлаганлар. Баъзи маълумотларда уч минг, яна бошқаларида эса етти минг одам ана шу қирғинда ҳалок бўлганлиги таъкидланади. Араблар жуда катта ўлжаларни қўлга олганлар.

Саид Ал-Хороший Диваштич бошчилигида Обаргар яқинида турган панжикентликларни тугатишга киришади²⁴. Шу мақсадда у Сулаймон ибн Абуссари бошчилигида катта қўшин жўнатади. Бу қўшин таркибида Марказий Осиё ҳудудларидаги бир неча ҳокимлар, жумладан Хоразм воҳкаси кучлари ҳам бор эди. Умумий қўшинга раҳбарлик қилиш Мусайёб ибн Башир Ар-Риёҳийга юклатилади.

Қўзғолон кўтарган Диваштич бошчилигидаги кучлар обаргар қалъасидан чиқиб душманни қарши олади. Бу жангда арабларнинг қўли баланд келиб, қўзғолончилар Обаргар қалъасига чекинадилар. Қалъа араблар томоиндан қуршовга олинади. Кучлар нисбатининг тенг эмаслигини ҳисобга олган Диваштич Сулаймонга қалъани топширишга рози бўлади ва ўзини Мусайёб билан бирга Хороший олдига юборишни сўрайди. Хороший Диваштични иззат-икром билан кўтиб олади, самимий қабул қилади, сўнгра Арбинжонга (баъзи манбаларда Рабинжон — Каттакўрғонга яқин жойда) олиб бориб қатл этади. Диваштич танаси зардуштийларнинг хилҳонаси — новус деворига қоқиб қўйилади. Хороший сўғдликлар қўзғолонини бостиргач, Зарафшон ва Қашқадарё водийларида “тартиб” ўрнатади. Унда айниқса Кеш ва Насаф катта таассурот уйғотади. У Сулаймон ибн Абуссарийни бу шаҳарларга ҳоким қилиб тайинлайди. Бундан ташқари Сулаймон айна замонда ҳарбий ишларга, ҳамда хирож тўплаш бўйича ҳам

²³ Равшанов Поён. Ватан тарихидан Турон VII-IX асрларда. Қарши, “Насаф” 2003й.

²⁴ Наршахий М. Бухоро тарихи. Т., “Камалак” 1992,126,б.

бошлиқ эди Бундай масъулиятли иккита лавозимга бир вақтнинг ўзида у даврда ҳеч ким қўйилмасди. Бу Сулаймонга бўлган ўзига ҳос катта ишонч эди, албатта.

Араб истилочиларига қарши кураш бир дақиқа бўлсада тўхтамади ва у мўттасил давом этди. 723 йилда Фарғона подшоси бош кўтарди. Уни Шош, Насаф аҳолиси ва турклар қўллаб қувватлади. Иттифоқчиларнинг бирлашган кучлари арабларни Хўжанддан то Самарқандгача бир неча зарбалар бериб таъқиб этиб бордилар. Бу воқеалар шундан далолат берадики, сўғдликлар араблардан бир неча бор мағлубиятга учраган бўлсаларда улар ўзларини ҳали батамом забт этилган деб ҳисобламас эдилар ва арабларга қарши курашни давом эттира бердилар.

736—737 йилларда Тоҳаристон ва Сўғдда арабларга қарши яна кўзғолон кўтарилган. Натижада арабларга қарши жуда оғир аҳволга тушиб қоладилар. Оғир вазиятдан қўтулиш маҳсадида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноиблари ва амирлари бир неча марта ўзгартирилади. Хусусан Наср ибн Сайёри (738—748) даврида кўрилган тадбирлар туфайли араб истизючилари ўлкада ўз мавқеларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлдилар. У кўзғолончиларни бостириш учун Самарқанд, Шош, Фароб ва Фарғонага бир неча бор қўшинлар тортиб борди. Наср ибн Сайёрининг ноиблик даври Марказий Осиё ерларини араблар томонидан истило қилиниши тарихида янги ва сунги даврдир. У маълум бир- муддат давомида мамлакатда нисбий осойишталик ўрната олди. Наср бунга қандай эришди? Аввало у оқсуяк деҳқонлар ўртасидаги низолардан фойдаланди, уларнинг кўпчилигини ўз томонига оғдириб олди. Оқсуяк деҳқонлар, лашкарбошилар имтиёзларини сақлашга алоҳида эътибор берди, улар ўтасида кон-қардошлик ва қариндош-уруғчалик алоқаларини ўрнатишни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлади. Узи бу соҳада намуна кўрсатиб Тоғшода Бухорхудотнинг қизига уйланди. Ва ниҳоят Наср ибн Сайёри молиявий ислохот ўтказди. Унга кўра ислом динини қабул қилган барча кишилар жузъя солиҳларидан озод қилиндилар ва барча мусулмонлар ҳуқуқ жиҳатдан тенглаштирилди. Ер эгаси

эса қайси эътикодда бўлишидан қатъи назар, хирож солиғи тўлаши шарт қилиб қўйилди.

Албатта Наср ибн Сайёр давридаги ўлка осойишталиги вақтинчалик ва нисбий характерда эди. Халифаликнинг шарқий мустамлакалари ҳисобланган Марказий Осиё ҳудудлари эрк ва озодлик учун курашга бел боғлаган авлод-аждодларимизнинг улуғвор янги чиқишлари арафасида турар эди.

Абу муслум кўзғолони. Уммавийларга қарши қўпоровчилик ҳаракати айниқса халифа Марвон II (744—750) даврида ғоятда кучайди. Аббосийлар бу даврда халифаликнинг аҳолига соладиган солиқ миқдорларининг оширилиши ва меҳнаткашларни қўплаб ҳашарларга мажбуран жалб қилиниши оқибатида кучайиб кетган халқ норозилигидан усталик билан фойдаландилар. Бу даврда уммавийларга қарши уюштирилган ҳаракатга аббосийларнинг эътиборли ва обрўли вақилларидан бўлган имом Иброҳим ибн Муҳаммад бошчилиқ қилди.

Худди мана шу даврда яъни 746 йилда Хуросондага аббосийлар ҳаракатига бошчилиқ қилиш мақсадида Абу Муслум (асли исми Абдурахмон ибн Асад, тахминан 727—755 йиллар) бу ёрга юборилади. Абу Муслимнинг таржимаи ҳоли тўғрисида бир-бирига қарама-қарши маълумотлар бор²⁵.

Диноварий берган маълумотларга қараганда Абу Муслум кучлари сафи ва географик доираси тобора кенгайиб борди. Унинг қалъаси атрофида Хирот, Бушанг, Марвируд, Таликон, Марв, Нисо, Обивард, Тус, Нишопур, Серахс, Балх, Чоғаниён, Тоҳаристон, Хўтталиён, Кеш, Насаф ва бошқа вилоятлардан 100 мингдан ортиқ лашкар тўпланган эди. Етарли миқдорда куч тўпланганлигига ишонч ҳосил қилган Абу Муслим 747 йилда ўзининг қора рангли либос кийган қўшинларини уммавийларга қарши очиқ курашга даъват этди.

²⁵ Қодирова Т. Қ. VIII ва IX аср бошида Мовароуннаҳр ва Хуросонда деҳқонлар кўзғолонлари тарихидан. Тошкент, 1965, 476.

Уммавийларга қарши Абу Муслим бошчилигидаги кучлар хавфи тобора кучайиб бораётган бир пайтда Хуросонда ҳокимият тепасида турганлар ўртасида қабилавий курашлар гоҳ пасайиб, гоҳ алангаланиб турди. Ғоятда айёр сиёсатдон бўлган Наср иби Сайёр Абу Муслимга қарши муваффақиятли кураш олиб бормоқ учун араб қабилалари иттифоқи бирлигини ҳаммадан кўпроқ тушунар эди. Лекин у араб қабилалари билан ўзи ўртасидаги низоларни бартараф этишга ожизлик қилди.

Бундай низо Наср ибн Сайёр билан Марвнинг хўжайини Ал-Кирмокий ўртасида ғоятда кучли эди. Охир оқибатда икки ўртада уруш келиб чиқди. Абу Муслим бу икки ўртадаги низодан фойдаланди ва Кирмонийга ёрдам беришга ваъда қилди. Абу Муслим кўрсатган ёрдамга қарамасдан Наср урушда ғалаба қозонди ва Кирмонийни асир олиб, оёқ-қўлини михлаб ўлдирди. Бу билан Хуросо ҳокими Наср ибн Сайёр жуда катта хатога йўл қўйган эди. Чунки арабларнинг Асд қабиласининг бошлиғи Кирмонийни ўлдирилиши бу қабила аъзолари ўртасида Насрга нисбатан душманлик ва ўч олиш туйғусини алангалатаб юборди. Дарвоқе, Кирмоний қатл этилгач, унинг ўғли Али ибн Жудай Кирмоний Абу Муслим олдида келиб Насрга қарши курашда унга ёрдам беражагини исхор этди. Таҳликага тушган Наср иби Сайёр 748-йилда Марвни жангсиз ташлаб чиқди ва Нишопурга чекинди. Аммо Абу Муслим бошчилигидаги қўзғолончи кучлар Насрга ҳал қилувчи зарбани бердалар. Бу мағлубият уммавийлар ҳукмронлиги тақдирини узил-кесал ҳал қилд. Халифа Марвон II ўз ихтиёридаги барча кучларни ишга солиб аббосийлар ҳаракатининг ғоявий раҳбари ва раҳнамоси Имом Иброҳим ибн Муҳаммад қатл эттирган бўлса-да, Уммавийлар сулоласини ҳалокатдан сақлаб қола олмади.

Абу Муслим эришган муваффақият унинг обру этиборининг араб халифалигидаги кенг ёйилишига сабаб бўли. Унинг қўшини тобора янги кучлар ҳисобидан кўпайиб борди. Тез орада қўзғолончилар Хуросонни эгаллаб олди ва 749 йилда Ироқ ва Жазоирда уммавийлар қўшинларига бир неча бор қатқаткич зарбалар бердалар. Шундан сўнг Абу Муслим

лашкарлари пойтахт Дамашққа томон юриш қилди ва халифа Марвон II ни тахтдан ағдарди. Бу жангларда лашкарбоши сифатида араб Кахтаба ва хуросонлик Холид ибн Бармо ўзларини кўрсатдилар. Халифалик тахти аббосийлар қўлига ўтди. Улар 750— 1258 й. давомида халифаликни ўз қўлларида сақладилар. Тахтга биринчи бўлиб Муҳаммаднинг амакиси авлодларидан бўлган Абул-Аббос ас-Саффоҳ (749—754) ўтирди. Халифалиkning ҳамма ҳудудларида уммавийлар хонадонининг вақиллари ва яқиилари батамом кириб ташландилар.

Шундай қилиб араб халифалигида давлат ҳокимияти уммавийлар сулоласидан аббосийлар сулоласи қўлига ўтди.

Аббосийлар ҳаракати ва Абу Муслим қўзғолонидан ҳафсаласи пир бўлган Мовароуннаҳр аҳолиси аббосийлар ўтказган зулм ва эксплуатацияга қарши курашни уммавийлар билан кураш тугамасданок бошлаб юборган эди. Буни биз Бухоро шаҳрида 750 йилда Шарик ибн Шайх Алмахрий бошчилигида кўтарилган қўзғолон тимсолида кўрамиз. Асли араблардан бўлган Шарик Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида ёзишича шиа мазҳабида бўлиб, аббосийлик ҳаракатига қарши бўлган. У “пайғамбарнинг куёви” тўртинчи халифа Алининг авлодларигина халифа бўлишга ҳақлидир, деган ғояни илгари сурган. Қўзғолончилар биз “аббосийларга бўйсунуш учун уммавийларга қарши курашмадик” деган шиорни илгари сурдилар. Қўзғолон Марказий Осиё ҳудудларининг каттагина қисмига ёйилган ва унда 30 минг киши қатнашган. Ҳатто Бухоро амири Абдужаббор ибн Шуайб ва Хоразм хони Абдумалик ибн Хузайл каби нуфузли кишилар ҳам бу қўзғолонга тарафдорлик қилганлар²⁶. Қўзғолоннинг асосий кучи сўғд ва араб меҳнаткашлар оммаси бўлди. Бухорхудот ибн Тоғшода эса бошдан бошлаб бу қўзғолонга ашаддий душманлик қилган ва ўзининг 10 минг кишилик қўшини билан уни бостиришда қатнашиб аббосийларга ҳомийлик кўрсатган.

²⁶ Равшанов Поён. Ватан тарихидан Турон VII-IX асрларда. Қарши, “Насаф” 2003й. Бартольд В.В. Сочинения. Т. 2.. ч. 1., м., 1963.

Чунки дастлаб Абу Муслим бу кўзғолонни бостириш учун Зиёд ибн Солих бошчилигида 10 минг кўшин юбориб уни бостира олмаган эди. Фақат Тоғшода бу ишга бош кўшгач, кўзғолон бостирилади. Шаҳар уч кун мобайнида ёндирилади. Зиёд ибн Солих кўзғолончилардан қаттиқ ўч олади ва уларни шафқатсизларча қирғин қилади. Бухородаги Шарик кўзғолони бостирилгач араб лашкарлари Самарқанд шаҳрига ўтадилар ва бухороликлар кўшилган халқдан ўч оладилар.

Мовароуннаҳрда арабларга қарши кўтарилган кўзғолон туфайли мамлакатда вужудга келган ички зиддият ва тўполонлардан фойдаланган Хитой давлатининг кўшинлари саркарда Гао-Сян-Чжи бошчилигида Марказий Осиё ҳудудига бостириб кирадилар. 751 йилда Талос водийсида Хитой кўшинлари билан Абу Муслим томонидан юборилган лашкарлар ўртасида даҳшатли жанг бўлади. Бу жанг арабларнинг ғалабаси билан якунланади.

Хуросон ва Мовароуннаҳрда аббосийлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун, бўтун қалби-вужуди билан кураш олиб бораётган бир пайтда аббосий халифалар Абу Муслимни тахтга биринчи даъвогар ҳисоблаб уни йўқотш учун тузоқ тайёрламокда эдилар. Ниҳоят 755 йилда Халифа Абу Жаъфар Давонақий — Мансур (754—775) Маккага йўлга отланган Абу Муслимни ўз саройига кириб ўтишини сўрайди. Қуролсиз ва ёлғиз саройга кирган Абу Муслимни Мансур пойлоқчилари қўлга оладилар ва уни ўлдирадилар. Бу даҳшатли фожеа Хуросон ва Мовароуннаҳрда аббосийларга қарши халқ ҳаракатларининг янада кучли тус олишига туртки бўлади. Ана шундай ҳаракатлардан бири Абу Муслимнинг ўчини олиш мақсадида 755 йилда Рейда Сунбод бошчилигида бўлиб ўтди. Бу кўзғолон Таборий маълумотларига кўра 70 кун давом этган. Кўзғолончилар Рей, Нишопур ва Кумис шаҳарларини эгаллаганлар. Кўзғолон қаттиққўллик билан

бостирилган, кўзғолончилардан олти мингга яқин киши ўлдирилган. Кўзғолон раҳбари Сунбод қўлга олиниб, қатл этилган²⁷.

Сунбод кўзғолони билан бир вақтнинг ўзида Мовароуннаҳрда ҳам аббосийларга қарши ҳаракат бўлган. Бу кўзғолоннинг раҳбари Исҳоқ деган киши эди. У Абу Муслим ҳаракатининг оташин тарафдори бўлган, 772 йилда Устоз Сис бошчилигида Хуросонда 300 минг кишини ўз ҳаракатига эргаштирган кўзғолон бўлган, 782 йилда Журжонда исён кўтарилади. Лекин арабларга даҳшат солган ва деярли бўтун Мовароуннаҳрни қамраб олган ҳаракат — бу Муқанна кўзғолонидир.

Муқанна кўзғолони. Араб истилочилари истибдодига қарши Мовароуннаҳрдаги энг катта кўзғолон 769 йилда бошланди. Бу тарихда “Оқ кийимчилар” (чунки кўзғолончиларнинг асосий жанговар гуруҳи оқ рангдаги кийим кийган эдилар) ёки кўзғолон раҳбарининг иоми билан Муқанна кўзғолони деб юритилади. Бу кўзғолон деярли бўтун Марказий Осиё ҳудудларига тарқалди²⁸. Муқанна исм эмас, балки лақабдир²⁹. Бу сўз “ниқобдор”, “пардали” маъноларини англатади. Муқаннанинг асли исми Ҳошим ибн Ҳаким бўлиб, унинг исми ва шахси тўғрисида ёзма манбаларда турлича маълумотлар мавжуд. Жумладан, Яъқубий уни Ҳаким ал-Аъвар (бир кўзли) Ҳошим деб атаган. Иби Халликан эса Муқаннанинг исми Ота бўлган дейди. Муқаннани ёмон кўрган феодал замони тарихчиси Наршахий ёзади: “Ҳошим ибн Ҳакимни Муқанна дейишларига сабаб шу эдики, у жуда хунук, боши кал ва бир кўзи кўр бўлганидан ҳамиша боши ва юзига кўк парда тўтиб юрарди» Муқаннани фаолияти тўғрисида ҳам ҳар хил ривоятлар бор. Баъзи бировлар уни қул бўлганлар десалар, бошва бировлар у кир ювиш билан шуғулланган, яни баъзи қисмлар эса кигизчилик билан машғул бўлган деб ривоят қиладилар. Манбаларда Муқаннанинг ёшлик чоғларида кундугарлик

²⁷ Асқаров А.А. Ўзбекистон тарихи.Т., Фан, 1992, 94б.

²⁸ Қодирова Т. Қ. VIII ва IX аср бошида Мовароуннаҳр ва Хуросонда деҳқонлар кўзғолонлари тарихидан. Тошкент, 1965, 58б.

²⁹ Айний. С. “Муқанна кўзғолони”. Душанбе. 1993,68б.

(яъни матоларга оҳор берувчи) билан шуғулланганлиги ҳам қайд қилинади. Наршахий Муқаннани ёмон кўрганлигини сир сақламагани ҳолда уни ақлли ва ўқимишли бўлганини тан олади. Дарҳақиқат, у саводли ва ниҳоятда билимдон бўлган. Муқанна Абу Муслим (750—755) қўшинида кичик лашкарбоши эди ва Абдулжаббор Аздий даврида (757—759) эса вазирлик даражасигача кўтарилган. У Маздак ғояларини илҳомчиси сифатида фаолият кўрсатган ижтимоий тенглик ва эркин ҳаёт даъватини тарғиб этган. Муқанна ўзини пайғамбар деб эълон қилган. У илгари худо Одам, Нух, Иброҳим, Мусо, Исо, Муҳаммад ва Абу Муслимларда қандай гавдаланган бўлса менда ҳам худди шундай гавдаланади, деб одамларни ўз орқасидан эргашишга даъват этади. Шу боис уни халифа Мансур қамокқа олиб янги қурилган Бағдод зиндонига ташлайди. Наршахийнинг маълумотига қараганда Муқанна анча вақт зиндонда ётиб сўнг қочиб Марвга келади ва 776 йилда Халифага қарши кўтарилган қўзғолонга раҳбарлик қилади³⁰. Бу ҳақда Беруний аниқ маълумот беради. “Ундан кейин Марвда, Кава қимардон деган қишлоқда Ал Муқанна лақаби билан танилган Ҳошим ибн Ҳаким пайдо бўлди. Унинг бир кўзи кўр бўлганлигидан юзини яшил ипак мато билан боғлаб оларди. У Жайхун (Амударё) дарёсидан ўтади. Кеш ва Насафгача етиб боради, унга “оқ кийимлилар” ва турклар қўшилади. Муқанна уларга (бегона) мол-мулк ва аёлларни олишга ҳамда ўзларига қарши турган кишиларни ўлдиришга йўл қўйиб беради.

Муқанна Марвдан туриб Марказий Осиёнинг турли вилоят ва шаҳарларига ўзининг ишонч одамларини жўнатади. Улар жойларда Муқанна ғояларини тарғиб қиладилар. Муқаннага ихлосманд ва тарафдор кучлар айниқса Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида кўпчиликни ташқил этарди. Наршахийнинг берган маълумотларига қараганда Нахшаб ва Кеш атрофидаги аҳолини Муқанна ғоялари орқасидан эргаштиришда асли араб Абдулла ибн Амирнинг хизматлари катта бўлган. Муқанна Абдулланинг

³⁰ Наршахий М. Бухоро тарихи. Т., “Камалак” 1992, 134б.

кизига уйланган эди. Шу боис у ўз қайнотасига ишонганлигидан Абдуллани Қашқадарё воҳасига ишончли вақил сифатида жўнатганди.

Муқанна сўғдда “оқ кийимлилар” ҳаракатининг кенг қулоқ ёйиб ривожланганлигига ишонгач қўзғолонга бевосита раҳбарлик қилиш мақсадини қўзлаб ўзининг 36 минг мухлиси билан Жайхун дарёсининг ўнг қирғоғига ўтиб, Нахшаб ва у ердан Кеш шаҳрига етиб боради. “Оқ кийимлилар” қўзғолонидан даҳшатга тушган халифа Абу Жаъфар 775 йилда Муқанна қўзғолонини бостириш учун Жаброил ва Уқаба бошчилигида ўн минг қўшин юборади. Лекин Самарқанд остоналарида араблар енгилиб, катта талофат қўрадилар. Қўзғолончилар ҳужумини жанубга томон давом эттирадилар ва Термиз яқинида қўшимча ёрдамга келаётган араб қўшинларига қўтилмаганда ҳужум қилиб, уни тор-мор келтирадилар. Натижада Нақшоб ва Чағониён водийлари батамом қўзғолончилар томонига ўтади.

“Оқ кийимлилар” қўзғолонининг марказларидан бири Бухоро ва унинг атроф ҳудудлари бўлганлигини юқорида таъкидлаган эдик. Муқанна тарафдорлари бу ерда ҳам жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Бироқ қўзғолончилар Бухорони қўлга кирита олмайдилар. “Оқ кийимлилар” Бухорога яқин бўлган Норшоҳ қишлоғини ўзларининг мустаҳкам қўрғонларига айлантирган эдилар. Бу қишлоқ ҳокими (аёл киши эди) ҳам қўзғолончилар томонига ўтга эди. Албатта, бу Бухоро учун катта хавф эканлигини араблар яхши билар эдилар. Шунинг учун 776 йил апрелида Самарқанд ноиби араб қўмондони (у 775 йилда Самарқандга ноибликка тайинланган эди) Жаброил ва Бухоро амири Хусайн ибн Маознинг бирлагашган кучлари “оқ кийимлилар” қўрғони Норшоҳга ҳужум бошлайдилар. Қўзғолончи кучларга бухоролик Ҳаким ибн Аҳмад, Кўшкифазл деган жойдан Хишрий ва Боғий, Ғиждувондан Гирдак исмли паҳлавонлар бошчилик қилдилар. Кучлар тенг эмас эди. Қўзғолончилар мағлубиятга учраб, улардан 700 киши ўлдирилади. Қўзғолончилар учун бу мағлубият энг катта йўқотиш эди. Икки ўртада сулҳ шартномаси тузилиб,

шартномага биноан қўзғолон қатнашчилари хато йўлдан воз кечиб, ислом йўлига қайтишалир ўз қишлоқларига тарқаб кетишлари, қонуний амирларга бўйсунтиришлари, мусулмоаларни таламасликлари ва уларга ҳар хил зўравонликлар қилмасликлари керак эди. Ғолиблар аса қўзғолончилардан ўч олмасликлари лозим эди. Аммо мусулмон аскарлари ҳали Бухорога етиб келишга улгурмасданок Муқанна тарафдорлари яна қўзғолон кўтарадилар. Жаброил ибн Яҳё бошчилигидаги араблар яна орқага катта куч билан қайтадилар ва тўрт ой давомида -Норшоҳ қалъасини қамал қиладилар. Сон жихатдан устун бўлган араб қўшинлари Норшоҳ кўрғонининг девори тагидан узунасига 50 газли чуқур қазиб, уни қулатгач қишлоққа бостириб қиладилар. Қаттиқ қирғин бўлиб қўзғолончилар енгиландилар. Норшоҳ қишлоғи эгалланади. Қўзғолон раҳбарлари Ҳаким ибн Аҳмад, Боғий ва Хишрийлар ўлдирилади. Фақат Гирдак қўтулиб қолади ва қайғули хабарни етказиш учун Муқанна ҳузурига жўнаб кетади. Араблар Норшоҳ қишлоғида исёнчиларни қонга ботиргач, ўзларининг бўтун диққат-эътиборларини қўзғолоннинг маркази бўлган Самарқанд ва Кешга қаратадилар. Чунки ҳали бўтун Мовароуннаҳр Муқанна қўли остида эди. Бунинг устига 777 йилда турк саркардаси Қиёқи Гўзи ҳам ўзининг катта лашкари билан Муқанна кучларига келиб қўшилганди. Қашқадарё воҳасидаги “оқ кийимлилар” кучларига Муқаннанинг ўзи бош бўлди. Самарқанд ва Зарафшон атрофидаги кучларига эса Муқанна томонидан тайинланган сўғдли Сўғдийн исмли киши раҳбарлик қилди.

Ўлкадаги вазият араблар учун ғоятда оғир ва ташвишли эди. Бунинг тўғри ҳисобга олган Халифа Маҳдий қўшимча ҳарбий куч тўплаш мақсадида Нишопурга келади. Қурашнинг бу босқичида Вухородаги оқсуяк феодал зодагонлар ҳам батамом араблар томонига ўтадилар ва араб лашкарбошиси Маоз ибн Муслим бошчилигида катта қўшин тўпланади. Наршахийниинг муболағи билан берган маълумотларига қараганда, Муқаннага қарши тўпланган арабларнинг бирлашган кучлари 570 миң кишидан иборат бўлган. Лекин шундай катта куч билан ҳам Жаброил ибн Яҳё ва Маоз ибн Муслим

бошчилигидаги истилочилар, кўзғолончилар устидан сезиларли ютукқа эриша олмаганлар. Фақат 777-778 йиллар давомидаги уруш ҳаракатлари чоғида бухоролик бир киши томонидан истеъдодли саркарда Сўғдиённинг ўлдирилиши “оқ кийимлилар” учун жуда катта йўқотиш бўлган. Шундан сўнгина араблар Самарқандни ишғол қилганлар.

Муқанна кўзғолонига қарши курашнинг ҳаддан ташқари чўззилиб кетганлиги халифа Махдийни жуда ташвишга солаётган эди. У қандай қилиб бўлмасин кўзғолонни тезроқ бостириш учун зарур чоралар кўради. Шу мақсадда у араб лашкарларининг кўмондонлик таркибини кескин янгилайди. Маоз ибн Муслим ҳам ўзининг чакириб олишини илтимос қилади.. Араб кўшинларига ўзининг жоҳиллиги ва шафқатсизлиги билан ном чиқарган Саид Хороший бош кўмондон этиб тайинланади.

“Оқ кийимлилар” га қарши арабларнинг кураши янги даврга киради. 780—783 йилларни ўз ичига олган бу кураш даврининг бош мақсади “оқ кийимлилар” кўзғолонининг бош раҳбари Муқаннани тор-мор келтиришдан иборат эди. Бу даврга келиб маҳаллий оқсуияклар ва зодагон деҳқонлар озодлик ва эрк учун олиб борилган кураш манфаатларига хиёнат қилиб, сотқинларча араблар томонига ўтадилар. Улар Саид Хороший лашкарлар билан биргалашиб Муқанна бошчилигидаги ватанпарвар кучларга қарши жанг қиладилар. Кеш шаҳри ва Муқанна қароргоҳи бўлган ниҳоятда мустаҳкам Сом қалъаси атрофида кескин ва шиддатли жанглар бўлади. Мана шундай қалтис ва нозик бир пайтда Қулартегин бошчилигидаги турк суворийлари Муқаннага ёрдамга келадилар. Халифа Махдий эса араб кўмондонлигига янги мадад кучлар юборади. Мадад кучлар етиб келгач, араблар ва маҳаллий сотқин кучлар бирлашиб, Муқаннанинг сўнги таянчи бўлган Сом қалъасини чор атрофдан қуршовга оладилар. Кўзғолончилар бу сиқувга бардош бера олмайдилар ва енгиландилар. Муқаннанинг оғаси Қабзам 3000 ва Сом қалъаси атрофида мудофаа жангларига кўмондонлик қилган Сарҳам 3300 кишилик кўшин билан сотқинларча Саид Хорошийга таслим бўлади. Ўзоқ давом этган кураш оқибатида Муқанна кўшинининг тинкаси

куриган эди. Шу боис қўзғолон енгилди ва Муқанна ҳалокатга учрайди. Ёзма тарихий манбаларда Муқаннанинг тақдири тўғрисида турлича талқинларга дуч келамиз. Тарихчи Табарийнинг ёзишича, Муқанна ўз ҳалокатининг муқаррарлигига қўзига етгач заҳр ичган. Сом қалъасига кирган араблар унинг жасадини тонганлар ва бошини кесиб ўша даврда Ҳалабда турган халифа Махдийга олиб борганлар. Наршахий бўлса афсонага ўхшашроққ ривоятни ҳикоя қилади³¹. Унинг ёзишича Муқанна ўзини ёниб турган ўтга ташлаган. Бу фикри Бар Яҳудий (Абул Фароҳ) ҳам такрорлайди. Беруний ўзининг “Хронология” асарида Муқаннанинг ўлими хусусида икки хил ривоят келтирган. Бу ривоятларга қараганда Муқанна ўлдирилган, иккинчи ривоятда эса Муқанна ўзини ўзи ўтга ташлаб ўлдирган, дейилади. Муқаннанинг қачон вафот этганлиги ҳақидаги фикр ҳам бир хил эмас. Наршахийнинг зми Муқаннанинг вафоти тўғрисида бир-бирини инкор этувчи иккита йилни тилга олади бу 782 ва 783 йиллардир. Беруний маълумотига ишонсак, Муқанна 785 йилда оламдан ўтган.

Шундай қилиб, қарийб ўн йил давом этган ва ўз даврида жаҳоннинг энг йирик давлатларидан бири ҳисобланган Араб халифалигини ларзага солган Муқанна қўзғолони енгилди. “Оқ кийимлилар” қўзғолонининг енгилганлигининг асосий сабаблари нималардан иборат? Биринчидан, “оқ кийимлилар” қўзғолонига қарши курашган араб истилочиларининг лашкарлари давлат ҳокимияти қўшини бўлиб у тартибли, уюшган катта куч эди ва у доимий суратда Араб халифалиги томонидан ҳарбий ва моддий томондан таъминланиб турди. Муқанна кучлари эса нима бўлганда ҳам турли тоифа ва табақаларнинг вақтинчалик қурама уюшмасидан ташқил топган эди ва доимий мунтазам таъминланиб турадиган ҳарбий ва моддий захирага эга эмас эди. Иккинчидан, Муқанна томонида туриб жанг қилган кучлар турли тоифа, табақа ва гуруҳларга мансуб бўлганликларидан уларда мустаҳкам

³¹Наршахий М. Бухоро тарихи. Т., “Камалак” 1992,138 б., Қодирова Т. Қ. VIII ва IX аср бошида Мовароуннаҳр ва Хуросонда деҳқонлар қўзғолонлари тарихидан. Тошкент, 1965.

бирлик бўлмади. Уларнинг каттагина қисми, хусусан мулкдорлар, оқсуяк маҳаллий ҳукмдорлар ва зодагон деҳқонлар душман устидан тез, енгил ва осонгина ғалаба қозонишга кўз тўтган эдилар. Уруш чўзилиб кетгач, ва борган сари даҳшатли тус ола боргач ватанфуруш кучлар хоинлик, хиёнат ва сотқинлик йўлига ўтдилар, ҳатто араб босқинчилари томонида туриб ўз ватандошлари, биродарлари, оға ва иниларига қарши жанг қилдилар. Араб босқинчилари эса бундан усталик билан фойдаландилар. Учинчидан, “оқ кийимлилар” кўзғолони онглилик ва дастурий кураш даражасидан анча йироқдаги оломон курашининг нисбатан ривожланган бир кўрини эди. Албатта, биз кўзғолонга XX аср охирларидаги халқ кўзи билан қараб унинг олдида буюк ва юксак талаблар қўя олмаймиз. Кўзғолон раҳбари Муқаннанинг ўзи ҳам замонасининг даврига ҳос вақили эди, кўп ҳолларда кўзғолонга бевосита ўзи раҳбарлик қила олмади. Кўп вақтини у маликалар даврасида шароб ичиб ўтказди.

Муқанна раҳбарлигида “оқ кийимлилар» кўзғолони енгилган бўлсада жуда катта тарихий из қолдирди ва Мовароуннаҳрда Араб халифалигининг мустамлакачилик, босқинчилик илдизларига болта урди. Бу кўзғолон халқ оммасининг куч-қудрати бирликда, ҳамкорликда эканлигини кўрсатди. IX асрдан бошлаб ўлкада ташқил топа бошлаган маҳаллий марказлашган феодал давлатларнинг шаклланини ибтидоси ҳам “оқ кийимлилар” кўзғолони давларидан бошланган десак муболаға бўлмайди. Муқанна кўзғолони айниқса ҳозирги шароитда Ўзбекистон фуқаролари Ватан мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун кураш олиб бораётган бир пайтда ғоят катта ижтимоий сиёсий ва тарихий аҳамиятга эгадир. Муқанна ва у билан бирга Ватан озодлиги ва эрки учун келгинди араб босқинчиларига қарши курашган фидоий қаҳрамонлар тимсоли айниқса ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида асрлар оша хизмат қилаверади.

Муқанна кўзғолони енгилган ва ҳалокатга учраган бўлса-да, “оқ кийимлилар” ҳаракати дарҳол тўхтаб қолгани йўқ, балки у яна бир неча ўн йиллар мобайнида давом этди ва истилочи арабларнинг тинкасини қуришиб

борди. Бу албатта ўлкамиз халқларининг эрксевар, ҳурриятпарвар, ҳақ ва адолат учун курашда жуда катта тарихий анъанага эга бўлган жасур ва мард халқ бўлганликларидан далолатдир.

II БОБ МОВАРОУННАХРДА АРАБЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА СИЁСIIЙ, ИЖТИМОIIЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

II.1. Араблар ҳукмронлиги даврида Моварауннахрдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт

Араб итилочилиги натижасида бу ҳудудда маҳаллий аҳолига нисбатан мислсиз зулм ва зўровонлик ўтказилди. Халқ томонидан асрлар давомида яратилган ноёб моддий ва маънавий бойликлар асори атикалар таланди яксон қилинди. Маҳаллий ёзувда битилган нодир китоблар, қўл ёзмалар ёндирилди. Зардуштийлик ибодатхоналари, муқаддас қадамжолар йўқ қилинди. Улуғ бобоколониимиз А.Р.Беруний ўзининг “Ўтмиш халқлардан қолган ” ёдгорликлар асарида аччиқ алам билан таъкидлаганидек, “араблар маҳаллий дин, санъат, адабиёт намуналарини, олимларни ўлдирдилар, асрларини эса ўтда куйдирдилар, Сўнгра улар аجدодларимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган маҳаллий ёзувлар тарихий ҳужжатларни йўқ қилдилар”. Мусуомончилик динига ислом ақидаларига зид келадиган жамики нарсалар уларнинг назарида ғайри табиий ҳол ҳисобланиб, улар аёвсиз йўқ қилинди³². Ислом дини, бу талончиликни мафкуравий тасдиқловчи, оқловчи бўлди: ҳамма учун баб баравар принциплар, миллатларнинг этник келиб чиқишига қарамай, дин олдида ҳамманинг ҳуқуқ тенглиги араблар олдида катта имкониятлар туғдирди.

Натижада ислом байроғи остида бирлашган араб қабиаларининг босқинчилик сиёсатини амалга оширишга қодир вазият юзага келди. Моварауннахр расман Хуросон ноиблиги таркибида эди. Бу ўлка халифаликнинг энг бой ўлкаси бўлиб турли хил солиқлар кўринишида йиғиб олинган бу солиқлар пойтахтга жуда катта фойда келтирар эди. Солиқлар асосан хирож, жизя, ва закот кўринишида йиғиларди. Бу солиқлар миқдори ўша даврт иқтисодик ҳолатидан олиб қаралганда жуда оғир эди.

³² Усмонов Қ., Содиков М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. 1- қисм. Т.: Фан, 2002, 99 б.

- Хирож ер ва деҳқончиликдан келадиган даромаднинг 1/3 қисмида олинган,

-закот, чорва , савдо ва ҳунармандчиликдан 1/40 миқдорида олинган,

-жизя мусулмон бўлмаганлардан ўртача 24 дирҳамдан иборат бўларди.

Араблар ҳукмронлигининг илк даврида анча енгил тортган халифалик меҳнаткаш аҳолисининг аҳволи кейинчалик оғирлаша борди. Деҳқонлар қисман натура шаклида ва қисман пул шаклида катта-катта солиқлар тўларди, бу эса майда ишлаб чиқарувчи деҳқон ёки ҳунарманднинг деярли ҳамма қўшимча маҳсулотларини ямлаб кетар эди-да, натижада уларнинг ўзлари жуда ачинарли кун кечирар эди. Амалдорларнинг ўзбошимчалиги ва жабр зулми, деҳқонларнинг ҳуқуқсизлиги ва ҳимоясизлиги, уларни ярим кул холига солиб қўйган эди. Халифаликда кулларнинг аҳволи эса ниҳоятда оғир эди. Уларни хаддан ташқари ваҳшиёна суратда эксплуатация қилардилар. Меҳнаткашлар оммасининг деҳқонлар шаҳар камбағаллари ва кулларнинг қаттиқ эксплуатация қилинишига жавобан феодалларга ва уларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи халифага қарши бир неча марта кўзғолон кўтарилди.

725—729 йиллар давомида қарши Самарқанд, Бухоро ва Хўтталиёнда ижтимоий- иқтисодий сиёсатнинг нотўғри ташкил этилиши араб халифалигининг солиқ сиёсатига қарши халқ ҳаракатларини келтириб чиқарди³³. Бу даврда Ашрос ибн Абдулла Ас Суломий ноиб бўлиб у икки томонлама сиёсат олиб бориб маҳаллий аҳолининг ғазабига дучор бўлганди. У дастлаб мусулмон динини қабул қилган фуқаролардан ҳеч қандай солиқ олинмайди, деб Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолисининг ишончига сазовор бўлган эди. Ашрос араблар кучи исломда, исломни қабул қилган маҳаллий халқ арабларга ҳеч қандай қаршилик қилмайди, деб ўйлаганди. Сўғдликлар унинг ваъдасига ишониб тезда ислом динига кирган ва мусулмон бўлгандилар.

³³ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000, 184б.

Араблар Византия чегаралари, Сурия, Миср, Эрон ва Ўрта Осиёда Марказий Осиёда мавжуд ижтимоий ва сиёсий давлат тузуми, маъмурий ташкилотлар, моддий ва маънавий ҳаёт удумларини қабул қиладилар. Масалан Эрондаги Сосонийлар давлатидан марказлашган давлат идораси, феодал ишлаб чиқариш усулини қабул қиладилар. Халифаликда тараққиёт даражаси турлича бўлган мамлакатлар ва халқларнинг бир давлатга бирлашув, улар ўртасида яқин алоқаларнинг ўрнатилиши, иқтисодий ҳаётнинг раванқ топиши, ички-ташқи савдо алоқалари ривожига туртки берди. Натижада халифаликни ташкил этган халқлар маданияти Оврупадаги тарқоқ давлатлар, мамлакатлар маданиятидан юқори даражада бўди. Металлургия, тўқувчилик саноатида қатор янгиликлар кашф этиди. Қоғоз, сопол ва шиша буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, маданлар қазиб олиш ва қайта ишлаш тараққий эттирилди³⁴. Қишлоқ хўжалиги соҳасида халифаликдаги ривожланган мамлакатлар, айниқса, Марказий Осиё халқлари ютуғи суний суғориш, гидротехник иншоотлардан фойдаланиш, тўғонлар, ариқлар, сув омборлари қуриш, боғдорлик, полиз, техник (пахта, шакарпоя) ўсимликлар экиш кабилардан бошқа халқлар ҳам баҳраманд бўлдилар. Халифаликни ташкил этган минтақаларда хунармандчилик, бозор учун буюмлар ишлаб чиқариш, ички савдо алоқалари, товар алмаштиришлар кенг йўлга қўйилди. Бу даврда қуруқлик орқали амалга оширилган қитъалараро савдо йўли (Буюк ипак йўли) билан қаноатланмай, денгиз, океан йўллари ҳам очилди, дарё, сув йўлларида хам кенг фойдаланилди.

Савдо ва хунармандчилик, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар турли муаммоларни келтириб чиқарди. Уларнинг ечимини топиш илм-фаннинг ривожига эҳтиёж тўғдирди. Жумладан, математика, астронимия, табиат фанлари, кemasозлик ва катта иншоотлар қуриш кабилар учун ўта зарур эди. Аҳолининг кўпайиши, шаҳарлар сонининг ошиши ва умумий тараққиёт даражаси таъобат фани ривожини тақозо қилди. Саноат, хунармандчилик

³⁴ Каримов Ш., Шамсўтдинов Р. Ватан тарихи, Тошкент, 1997, 1986., Қодирова Т. Қ. VIII ва IX аср бошида Мовароуннахр ва Хуросонда деҳқонлар қўзғолонлари тарихидан. Тошкент, 1965.

таракқиёти маданчиликни юксалтирди. Ислом дин сифатида шаклланган даврда араблар ярим бадавий элатлардан иборат бўлган халқ эди. Табиийки, улар забт этилган халқлар маданиятини зудлик билан ўзлаштирадилар. “Араб маданияти” деб ном олган маданият халифаликни ташкил этган халқлар маданияти асосида исломга мужассамлаштирилган маданият эди³⁵.

Араб тили фақат халифаликни ташкил этган халқлар ўртасида алоқа тилигина бўлиб қолмай, сиёсат ва илм-фан тилига айланади. Араб халифалиги давлат бошқаруви ва солиқ тизими кўлроқ эрон сосонийлари давлат бошқарувига ўхшаб кетарди.

Масалани қизиқ томони шундаки илгари халқ томонида туриб арабларга қарши курашган Самарқанд Ҳокими Гўрак энди Ашрос сиёсатига қарши чиқади. Таборий маълумотларига қараганда у Ашросга хат ёзади. Бу хатда мусулмонликка ўтганларга нисбатан тўтилган сиёсат хирожнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлди хирож оладиган одам қолмади, деб уни огоҳлантирган эмиш. Шундан сўнг Ашрос Гўракнинг ҳақ эканлигига ҳаётда ишонч ҳосил қилибди ва илгариги “куч исломда” деган фикр ўрнига “араблар ҳукмронлигининг кучи хирожда” деган шиорни илгари сурибди. Ана шу аснода Ашрос исломни қабул қилган ва қилмаганлардан ҳам бир ҳилда, аввалгидек солиқ йиғаверишни буюрибди. Бу тезда сўғд аҳолисининг кескин норозилигига сабаб бўлиб катта қўзғолонларнинг бошланишига олиб келган. Самарқандда бошлаingan бу қўзғолонга етти минг киши қатнашган. Қўзғолон кенгайиб Бухорога тарқалган. Самарқанд ва Бухородаги қўзғолон қатнашчилари ўзларини мусулмонликдан чиқиб кофирликка қайтганликларини очиқ-ойдин эълон қилганлар. Турклар қўзғолончиларни қўллаб-қувватлаб уларга ёрдам берганлар. Қўзғолон ҳамма ерни қамраб олган.

Айниқса, 728 йил араблар учун жуда оғир бўлганлиги қайд этилади. Қўзғолончилар уларни жуда кўплаб ҳудудлардан ҳайдаб чиқаргапнар. Фақат

³⁵ Муҳаммаджонов. А. Ўзбекистон тарихи, Тошкент, 1994, 198, .

Ғўракнинг иккиюзламали ва сотқинлик сиёсати туфайди Добуссия ва Самарқанд араблар қўлида қолган. Ғўрак бу озодлик курашида катта роль ўйнаши мумкин эди. Аммо у бу йўлни танламади. Фақат 729 йилда жуда катта уринишлардан сўнг араблар яна Бухорони қайтариб олишга муваффақ бўлдилар. Туркларнинг қўзғолончиларга кўрсатган ёрдамидан таъсирланган Ғўрак кечиқиб бўлсада араблар билан алоқани узди ва суғдликлаа қўзғолонига қўшилди. Бу унинг илгариги обрўсининг тикланишига сабаб бўлди. Таборий айниқса Кеш атрофида арабларга қарши Шош, Фарғона қўшинлари ва турк лашкарларининг қахрамонларча жанг қилганлигини алоҳида кўрсатади³⁶. Бу олиб борилган жанглар Самарқанд, Бухоро ва бошқа жойларни истисно қилганда Мовароуннаҳр халқининг яна беш йил мобайнида араблар ҳукмронлигига бўёсунмаган жасоратидан бир намунадир.

Араблар босиб олган ҳамма ҳудудларда, хусусан Хуросон ва Мовароуннаҳрда кучайиб кетган мустамлакачилик зулми оммасининг уммавийлар ҳалифалигига нисбатан нафрат ва норозилигини кун сайин ошириб борди. Мамлакатдаги умумий сиёсий вазият бу сулола умрининг тугаб бораётганлигидан далолат берар эди. Оқибатда уммавийларни сиёсий ҳокимиятдан ағдариб ташлашни ўз олдига бош вазифа қилиб қўйган рақиб гуруҳлар пайдо бўла бошлади. Ана шундай гуруҳлардан бири аббосийлар эди. Бироқ аббосийларнинг Боғдод ҳалифалиги даврида халқ қўзғолонлари кишини хайратда қолдирадиган даражада катта бўлиб, баъзан бутун-бутун округларни ҳатто вилоятларни ўз ичига оларди. Бу қўзғолонларга асосий сабаб мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барқарор бўлмаганлиги, амалдорларнинг ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилиши ва солиқлар миқдорининг ошиб бориши бўлган.

Халифалик турли мамлакатларни ўз ичига олган бўлиб, турли туман халқларнинг мураккаб бир конгломератидан иборат эдики, булардан баъзилари ўтмишда ўзининг ёрқин тарихига эга эди; шунинг учун ҳам бу халқлар ўз мустақиллигини тиклашга интилар эдилар; ишлаб чиқарувчи

³⁶ Равшанов Поён. Ватан тарихидан Турон VII-IX асрларда. Қарши, “Насаф” 2003, 78б.

кучларнинг ривожланиши натижасида маҳаллий алоқалар мустаҳкамланиб борган сари бу интилиш кучайиб борарди. Шу билан бирга халифалик ҳокимияти тобора заифлашиб бормокда эди. Феодаллашув процесси шарқда ўзига хос хусусиятларга эга бўлишига қарамасдан феодализм тараққиётининг илк даврида ғарбда қандай натижаларга олиб келган бўлса, бу ерда ҳам худди шундай натижаларга олиб келди. Маҳаллий ердор задогонлар марказий ҳукумат зарарига кучайиб борди ва ажралишга интилди. Амирлар, яъни вилоятларнинг губернаторлари маҳаллий феодал ер эгаларига суяниб туриб ўзларининг маҳаллий династияларини ярата бошладилар. Халифалик амалдорлари томонидан марказлаштирилган ер рентаси солиғининг тўланишига қарши кўтарилган деҳқон қўзғолонларидан маҳаллий задогонлар ўзларининг сепаратистик мақсадларини амалга ошириш учун фойдаланар эдилар. Халифалик ҳақиқатда VIII асрдаёқ парчалана бошлаган эди.

Беш юз йил ҳукм сурган араб халифаларининг аббосийлар сулоласи (бу сулолага Муҳаммад (с.а.в) амакиси авлодларидан Абулаббос ас-Саффоҳ асос солган ҳукмдорлик даври 749—754). ҳукмронлиги даврида араблар давлатни бошқаришда иккинчи ўринга суриладилар, уларнинг халифаликдаги ирқий ва ҳарбий устунлигага барҳам берилди. Давлатни бошқаришда уларнинг сони ҳам камайиб боради. Халифа ал-Мансур даврида (754—773) аббосийлар халифалиги анча мустаҳкамланди, пойтахт Дамашқдан Бағдодга кўчирилди. Бағдод бу даврда йирик савдо-сотиқ ва маданият маркази бўлиб, Ғарб билан Шарқ ўртасида воситачилик ролини ўйнаган, халифаликда савдо алоқалари ва иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга, маданий ҳаётнинг юксалишига таъсир кўрсатган. Шунинг учун аббосийлар ҳукмронлиги даври Бағдод халифалиги деб ҳам юритилади.

IX аср иккинчи ярмидан бошлаб аббосийлар халифалигининг марказлашган ҳокимияти заифлаша бориб, унинг таркибида бир неча мустақил давлатлар вужудга кела бошлади. Мас.: Африкада аглабийлар давлати, Хуросон ва Мовароуннаҳрда сомонийлар давлати, 945 йили

Эрондаги бувайҳийлар Бағдодни эгаллаб, аббосийларни сиёсий ҳокимиятдан четлатдилар, форс тилида сўзлашувчи аҳолидан иборат катта ҳудуд мустақилликка эришди.

Бу вақтда Шимолий Африка ва кейинчалик Мисрда фотимийлар халифалиги ҳукм сурди (909—1171). Булар ўзларини Муҳаммаднинг (с.а.в) кизи Фотима авлодларидан деб ҳисоблайдилар. Фотима мусулмонлар, айниқса, шийъалар томонидан муқаддас аёл сифатида саналиб, унга сиғинадилар. Шундай қилиб, қудратли аббосийлар халифалиги парчаланиб кета бошлади. Энг сўнгги халифа Муътасим мўғуллар хони Хулогу томонидан 1258 йили қатл этилди. Мана шундай қилиб аббосийлар халифалиги беш аср ва умуман Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбардан кейин ташқил топган араб халифалиги 626 йил ҳукм сурди. Араб халифалиги Арабистон яримороли, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка, Испания, Марказий Осиё ва Кавказортини ўз ичига олган йирик феодал давлат эди.

Аббосийлар халифалиги тугатилиши Ислом дини тараққиётига таъсир этмади. Бу дин дунёдаги йирик дин сифатида тобора ўз доирасини кенгайтириб борди. Аббосийлар даврида араб давлати жуда ҳам тараққий топди. Боғдод халифалиги VIII-IX асрларда айниқса кучли эди. Бу вақтда боғдодни барпо этган Мансур (754-775) Карл Буюкга замондош бўлиб у билан дўстона алоқалар қилган Хорун ал Рашид (786-809) араб илм фанига зўр бериб ҳомийлик қилган ал-Маъмун (813-833) каби қудратли халифалар идора қилди. Аббосийларнинг “олтин даври” Мўтадид (892-902) замонида тугади. Халифалик ана шу вақтдан бошлаб тушкунликка юз тўтди. Аббосийлар давлатида Эроннинг таъсири кучли эди. Бк таъсир вазирлик (буюк вазир халифанинг биринчи министри) унвонининг жорий қилинишида ҳам солиқ солишида эрон усулларининг ўзлаштирилиши ҳам (ер кадастрларининг эронлардагига ўхшаб тузилишида), халифалик маъмурий жихатдан вилоятларга бўлиниб, уларга губернатор – амирлар бошлиқ қилиб қўйилишида ҳам намоён бўлди. Эроннинг феодаллашган задогонлари халифаликни идора қилишда актив қатнашди. Буюк вазирлик лавозимида

одатда эронийлардан тайинланар эди ва бу лавозим наслдан-наслга ўтар эди. Халифанинг жуда кўп доимий қўшни бўлиб, бу қўшиннинг кўпчилиги турли вар-вар отрядларидан иборат эди, IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса асосан отрядларидан иборат бўлди. Халифанинг гвардияси катта сиёсий аҳамиятга эга эди, бу гвардия ҳарбий ишга ёшлигидан бошлаб ўргатилган куллардан тузилган эди. Халифалик хўжалик ишларининг турли соҳаларига ҳам катта эътибор берди, бу борада ҳам қисман эрон, қисман Месопотамия традицияларидан фойдаланди. Чунончи, махсус почта маҳкама бўлиб бу маҳкама почта ишлари, катта йўлларни тартибга солиш билан шуғулланди, бу йўллар текисланди, сув билан таъмин қилинди, унда ҳар бир муайян масофада махсус мусофирхона, карвонсаройлар тақил қилинди. Аббосийлар замонида далаларни диний суғориш системаси ғоят авж олди. Бунинг учун турли катта кичикликдаги ер ости ва ер усти каналлари қурилди. Ирригация қурилишлари тўхтовсиз давом этди ва бу иш билан ҳукуматнинг махсус маҳкамаси шуғулланди. Аббосийлар пойтахти – Боғдод жуда катта бир шаҳар бўлиб унд халифага ва уннг яқин одамларига қарашли жуда кўп сарой ва боғлар бор эди. Шаҳар доира шаклида бўлиб, унинг атрофи икки қатор девор билан ўралган эди. Бу шаҳар задогонлар шҳри, халифанинг қароргоҳи бўлиш билан бирга жуда катта савдо маркази ҳам эди. Боғдод бозорларига узоқ-узоқ мамлакатлардан савдогорлар келар эди. Бу ерда Византияликлар, Хитойлар, Хиндлар, Малайяликлар, Шимолий, Ғарбий ва ҳатто Марказий Африкалик кишиларни ҳам учратиш мумкин эди. Аббосийлар даврида олд ва Ўрта Осиёнинг шунингдек Шимолий Африканинг жуда кенг территориясида маълум вақтгача тинчлик қарор топиши натижасида халифалик иқтисодий жиҳатдан ғоят тараққий топди. Марказий ҳукумат иррегация системасига мўттасил эътибор бериш натижасида, бу даврда деҳқончилик соҳасида катта ютуқларга эришилди. Шоли, пахта ва шафрон кенг тарқалган қишлоқ хўжалик экинлари эди. Боғдорчилик ва гулчилик саноат аҳамиятига эга бўлди. Жуда кенг атиргул плантациялари парфюмерия учун махсус эссенция берар эди. Араблар қимматбаҳо насылдор от ва қўйлар

урчитар эдилар. Арабларнинг хунармандлик буюмлари ҳам катта шухрат қозонди. Бу ерда юнг, ипак ва ип газламалар, яхши навли пўлат ва қурол, шиша ва ойнадан ясалган буюмлар, заргарлик ва атторлик буюмлари ишлаб чиқариладди.

IX-X асрларда халифаликнинг эконополитикасида кенг кўлам олган ички савдо ва айниқса ташқи халқаро савдо жуда катта ўрин тўтар эди. Араб савдогарлари йироқ шимолгача – юқори Волгагача ва ҳатто Балтика денгизи қирғоқларигача бориб савдо қилардилар. Узоқ шарқда Хитой, Ҳиндистон ва Индонезияда доимий суратда савдо қилардилар. Араблар Яқин шарқда Левантда, айниқса, қизғин савдо олиб бордилар. Сурия, Миср, Кичик Осиё араблар савдосининг асосий районлари бўлиб, араблар бу ерларда Византия савдогарлари билан рақобат қилардилар ва таварларни шу ерлардан Ғарбий Европага юбордилар. Араблар савдосида қул савдоси катта ўрин тўтарди, бу қуллар асосан Осиёлик, Африкалик ва бир қисми Европаликлардан иборат эди. Боғдод халифалиги даврида арабларда феодал муносабатлар узул-кесил қарор топди. Халифаликга қарашли мамлакатларда эксплуатация қилинувчи асосий синф жамоачи деҳқонлар эди. Бироқ араблардаги феодализмнинг ўзига хос хусусиятлари бор эди. Жамоачи деҳқонларнинг кўпчилиги халифанинг ерларида яшаб, феодал рентани бевосита давлатнинг ўзига тўлар эди. Араб қонунларига мувофиқ бўтун ер халифага қарашли бўлиб халифа бу ернинг бирор қисмини ўз хизматкорларига вақтинчагина берар эди.

Шу туфайли халифаликда катта ер эгалигининг наслдан-наслга ўтиши ўрта аср Европасидаги каби қатъий эмас эди. Бирор аён ўлгандан кейин унинг мол-мулки одатда халифа хазинасига ўтар эди. Бу мол-мулкни ўлганнинг ворисига бериш-бермаслик халифанинг ихтиёрига боғлиқ эди. Иккинчи томондан одатда халифада ҳам, унинг задогонларида ҳам феодал Европасида бўлгани каби баршчинали, яъни ишлаб берадиган рентали помещьтелари йўқ эди. Бунда задогон хўжалигидаги иш кучини одатда қуллар ташқил этар эди. Қарам деҳқонлар эса баршчинада ишламас, фақат маҳсулот билан пул билан рента тўлар эдилар, холос. Шунга қарамасдан

Боғдод халифалиги зомонида феодал мулкчилиги сезиларли даражада ривожланиб борди. Икта-харбий хизмат ўтаганлиги учун бериладиган чек ер бўлиб, Ғарбий европа бенифецияларига ўхшаб кетади. Мулк – инъом қилинган ва аста секин наслдан наслга мерос бўлиб ўтадиган ер мулклар, хисса ва бошқа имтиёзли ерлар ғазнага солиқ тўлашдан озод қилинган бўлиб, булар ўсиб келаётган феодал хусусий ер эгалигининг формалари эди. Ерларнинг маълум қисми – воқиф ерлар – мачитларга берилар эди. Халифанинг далат феодал мулкчилигини қискартириш ҳисобидан йирик ва ўрта даражадаги хусусий ер эгалигининг характерли феодализмми ривожланишнинг характерли ходисаларидан бири бўлиб, бу ҳол турли хил мамлакат ва ўлкалардаги ерли феодалларнинг ажралиб чиқиш ва апаратистик кайфиятларининг тобора авж олишида анча катта роль ўйнайди. Араб феодализмнинг яна бир хусусияти қулчилик элементларининг анча сақланиб қолганлиги эди.

II.2. Мовароуннаҳрда араблар ҳукмронлиги ўрнатилишининг маданий ҳаётга таъсири

Араб маданияти деганда биз фақат араблар томонидан яратилган маданиятни эмас, балки араблар билан бирга Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка ва Жанубий-Ғарбий Оврўпо халқларининг ўрта асрларда яратган маданияти, моддий ва маънавий бойликлари, шу халқларнинг араб тилида ижод этган илмий ва бадий асарларини ҳам тушунишимиз керак.

Араб халифалиги қўл остидаги мамлакатларда илм-фан соҳасида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Фаннинг турли соҳаларида араб тилида жаҳон аҳамиятига эга бўлган буюк асарлар яратилди, қадимги юнон фанининг дурдоналари араб тилига таржима қилинди. Араб ва хорижий мамлакатлар олимлари араб тилида яратилган асарларни фақат араб олимларига нисбатан берадилар. Аслида бундай эмас. Бу фан тараққиётда Исломни қабул қилган араб бўлмаган халқлар вақилларининг хиссаси бақиёсдир. Шунинг учун араб

фани деганда Исломни қабул қилган барча халқлар, шу жумладан, Марказий Осиё халқларидан етишиб чикқан буюк сиймолар яратган фан деб тан олиниши керак. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, истило қилинган халқлар илм-фан борасида кўп жиҳатдан араблардан юқори турган. Ўрта аср араб фани қадимга Юнонистон, Марказий Осиё, Кавказ орти, Эрондаги илм фанларининг заминида ривожланган.

Ҳозиргача биз бефарқ қараб, баъзан инкор этиб келганимиз Ислом дини ва у туфайли араб тилида вужудга келган жуда катта диний адабиёт Марказий Осиё халқлари фан ва тарихи тараққиётига улкан таъсир кўрсатди. Шунинг учун ўрта аср араб илм-фани ютуқларини ўрганмай туриб, бу халқлар тарихи, маданияти ва санъатини тўлиқ ва изчил ўрганиш мумкин эмас.

Араб олимлари Арасту (Аристотел)ни «Биринчи муаллим» (Муаллим-ул-аввал) деб атаган бўлсалар, бухоролик буюк олим ва файласуф Абу Али ибн Синони «Шайх-ур-раис» (раис-шайх, олимлар бошлиғи) деб атаганлар. Араб фани ва маданияти тараққиётига ўзбек халқининг фарзандлари Муҳаммад Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва Аҳмад Фарғоний, Махмуд Қошғарийлар жуда катта таъсир кўрсатдилар. Улуғ мунажжим ва математик ал-Хоразмий тузган астрономик жадваллардан - «Зиж»дан араб астрономлари фойдаланганлар. Ибн Синр ва Хоразмий асарлари араб тили ва араблар орқали Ўрта аср Оврўпосига тарқалган.

Араб фани тараққиётидаги биринчи босқич VII—VIII асрга тўғри келади, маркази Ироқдаги Басра ва Куфа шаҳарлари бўлган. Ислом тарқалган турли мамлакатлардан жуда кўп истедодли олимлар шу шаҳарларга келиб, фаннинг турли соҳаларидан таълим олганлар. Араб тили давлат ва ҳукмрон дин тили, муқаддас (яъни Куръон тушган) тил сифатида ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан ўрганилган. Машҳур араб-форс тилшуноси Сибавайх (796 йил атрофида ўлган) биринчи бўлиб араб тили грамматикасини тузди.

Араб фани тараққиётида иккинчи давр VIII асрдан, халифалик маркази Бағдодга кўчирилгандан сўнг бошланади. Бу даврда қадимги юнон ва Шарқ

халқлари яратган асарларни йиғиш ва уларни араб тилига таржима қилишга киришилди. 773 йил астрономияга оид ҳиндча китоб «Сидд ханта», ундан кейин паҳла-вий, сурёний ва юнон тилларида ёзилган қатор асарлар таржима қилинди. 830 йили Бағдодда таржимон ва олимлардан иборат «Хизонат ал-ҳикмат» (Ҳикмат хазинаси) деган уюшма тузилди. Таржимонлик ишлари янада авж олиб кетди.

Қуръон — Ислом динининг асоси, у диний ибодатларнинг тартиб-қоидалари, ахлоқий ва ҳуқуқий қонун-қоидаларни ўз ичига олган, урф-одат, турли анъаналар, миллионлаб халқларнинг ҳулқ-атвори ва турмуш тарзининг энг муҳим ўринларини белгилаб беради³⁷. Қуръондаги турли ривоят, сўз ва иборалар ёки мазмуни Исломни қабул қилган, хилма-хил тилда сўзлашувчи халқларнинг адабиёти ва кундалик сўзлашув тилига чуқур сингаб, бўтун мусулмон шарқи халқларининг адабиёти, сўз, иборалари ва талқинларига қоришиб кетган. Исломни қабул қилган халқлар тилидаги тарихий, диний, адабий асарлар ҳоҳ шеърӣ, ҳоҳ насрий бўлсин, ҳоҳ халқ оғзаки ижоди бўлсин, Қуръондан иқтибоссиз ёзилмаган. Қуръон нафақат мусулмон муаллифлари ижодига, балки бошқа диндаги олим ва адиблар ижодига ҳам баракали таъсир кўрсатган. Улуғ рус шоири А.С.Пушкин Қуръоннинг 15 та сурасига 15 шеър бағишлаган.

Қуръон 610—630 йиллар мобайнида Муқаммад пайғамбар (с.а.в.) томонидан Аллоҳдан келган ваҳй сифатида оғзаки баён қилинган ва пайғамбарга яқин ҳофизлар томонидан ёдлаб олинган, қисман ёзиб ҳам олинган. 651 йили халифа Усмон буйруғи билан Қуръон тартибга солиниб, ягона ва ҳақиқӣ матн шаклида оммалаштирилди ва муқаддас китоб сифатида қозирги кунгача ҳеч ўзгартирилган эмас. Қуръон қофияли наср (сажъ) билан ёзилган, унинг тили нафақат араб бўлмаган халқлар учун, балки арабларнинг ўзи учун ҳам тушунилиши ниҳоятда оғир. Шунинг учун

³⁷ Ал-Қуръон ал-Карим. Таржимон ва тафсир қилувчи Сайид Маҳмуд ибн Саййид Назир аг-Тарозии ал-Маланнӣ. Ўзбек араб ёзувидан нашрга тайёрловчи сўзбошн ва изоҳлар муаллифи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат шприёти. 2000

Қуръонга Ислом Шарқининг кўплаб олимлари турли-туман тафсир (шарҳ-изоҳлар) ёзишган.

Ислом тарихи ва мусулмон маданиятини ўрганишда, мусулмон Шарқи ҳаётини тўғри тушунишда Қуръон муҳим, бекиёс манбадир. Дин тарихини ўрганувчилар, мусулмон халқлари ўтмиш ва ҳозирги замон ҳаётини тадқиқ қилувчилар ундан қимматли маълумотлар олишади. Шарқнинг ғоявий тарихи билан қизиқувчилар учун у нодир бир ёдгорликдир.

Қуръон нафақат фалсафий, ҳуқуқий ёзма ёдгорлик бўлиб қолмай, балки унда ахлоқ-одоб, ота-она ва қариндош-уруғларга ҳурмат ва мурувват, поклик, тўғрилиқ, етим-есир, камбағал-мискинларга хайр-саховат қилиш, бировларнинг ҳақини емаслик, омонатга хиёнат қилмаслик, дўстлик, биродарлик каби жуда кўп ғоялар мужассамлаштирилган. Қуръон порахўрлик, ўғирлик, ичкиликбозлик, қимор, зино (фоҳишабозлик), ёлғончилик, ғийбат, ноҳақ қон тўкиш каби жуда кўп иллатларни қатъий қоралайди.

Ўзбек халқининг 1300 йилга яқин ҳаёти, тарихи ва маданияти Ислом дини билан боғлиқ. Бўтун ҳуқуқий ва оилавий ҳаётимизни, фан, тарих ва адабиётимизни Ислом дини, унинг муқаддас китоби Қуръонни чуқур ўрганмай туриб тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Юқорида айтганимиздек, Исломнинг Марказий Осиёга тарқалиши туфайли бу ерда жуда кўп маҳаллий Ислом олимлари-ҳадисшунос (муҳаддис), Қуръон таф-сиршунослари (муфассир) ва Ислом дини қонун-қоида-лари, йўл-йўриқлари билан шуғулланувчи юзлаб маш-хур, Ислом дунёси тан олган олимлар етишиб чиқдилар. Булар Ислом дини борасида жаҳон фанига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшиб кетдилар. Уларнинг асарла-ри ҳозиргача Ислом дини ҳукмрон ёки халқи шу дин-ни қабул қилган давлатлардаги диний мадраса ва инс-титўтларда асосий қўлланма сифатида ўқитилиб келмоқца. Улар Марказий Осиё шухратини мусулмон дунёси миқёсига кўтарган машхур олимлардир.

Пайғамбар (с.а.в.) вафотларидан кейин у зотнинг айтган сўзлари (ҳадисларни) ва суннатлари (ҳаёт тарз-лари, қилган ишлари)ни тўплаш, китоб шаклига кел-тириш VIII аср охиридан бошланиб, X асрга келиб бўтун Ислом олами тан олган олтита ҳадислар тўпла-ми вужудга кедди. Булар асосан Марказий осийлик му-ҳаддислар Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий, Имом Насоий, Имом Абу Довуд ва Имом Можжалар қаламига мансубдир. Булар қаторига еттин-чи қилиб Имом Доримий Самарқандийни ҳам қўша-дилар. Ҳадис олимларининг раҳнамоси, аллома, имом-лар имоми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ал-Бухорийдир.

Бу улуғ зот ҳижрий 194 (милодий 810) йили Бухорода туғилганлар. 825 йили оталари ва биродарлари билан ҳаж сафарига бориб, ўша ерда қолиб кетганлар. У ерда илмларини такомиллаштириб, пайғамбар (с.а.в.)ҳадисларини тўплаш, тартибга солиш, улардан қайси бири тўғри қайси бири пайғамбарга (с.а.в.) тааллуқли эмаслигини аниклаш мақсадида Макка, Мадина, Шом, Миср, Фаластин, Ироқ шаҳарларини кезиб, бир неча йил бадавий араблар орасида юрдилар. Шу тариқа ранжу машаққатлар билан жами 600 минг ҳадис тўплаб, булардан 100 минг «саҳиҳ» ва 200 минг «ғайри саҳиҳ» ҳадисларни ёд олганлар. 600 минг ҳадисдан 7265 тасини «Жоме ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») китобига киритдилар³⁸.

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳанафий ас-Самарқандий ал-Мотуридий — Ислом динининг назарий (усул ад-дин), фикҳ асослари ва манбаларини ўрганадиган (илм усул ал-фикҳ,) соҳаси бўйича ҳанафия мазҳабининг йирик фақиҳи (қонуншуноси), калом илмида янги бир йўналиш — мактаб яратган йирик аллома. Самарқанд яқинидаги Мотурид (бу сўз арабча «Хоҳлаган нарсанг» маъносига эга) маҳалласида 870 йилда туғилган. Самарқандда ҳанифия мазҳаби қонуншуносларидан фикҳ илмини ўрганди.

³⁸ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис (ал-Жомеъ ас-саҳиҳ). 1-жилд. Таржимон З.Исмоилов. Т., Қомуслар бош таҳририятн, 1997.

Абу Абдумох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис (ал-Жомеъ ас-саҳиҳ). 3-жилд. Таржимонлар: Р.Қосимов ва Б. Набихонов. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1997.

Мотуридий Самарқандда яшаган олим Муҳаммад ибн Фазлнинг шогирди бўлган. Кейинчалик ўзи шу ерда фикҳ ва каломдан дарс берган ҳижрий 333 ёки 335 (милодий 946 ёки 947) йили Самарқандда вафот этган.

Мотуридий Қуръон тафсири, калом, фикҳ илми усуллари соҳасида бир канча китоблар ёзиб қолдирган. Улардан «Китоб ал-усул» («Фикҳ, асослари китоби»), «Китоб таъвилот ал-Қуръон» («Қуръон тафсири китоби»), Шарҳ Фикҳ ал-акбар» («Фикҳ ал-акбар шарҳи») «ат-Тавҳид» («Худонинг ягоналиги ҳақида»), «Китоб ал-мақолат» («Мақолалар китоби»), «Маъхуз аш-ша-роиъ» («Қрнуншуносликдаги етишмовчиликлар») асарларини кўрсатиш мумкин.

Аллоҳга шукроналар бўлсинки, мустақиллик туфайли буюк алломаларимиз номи тикланмоқда, таваллуд топган йиллари нишонланмоқда, мақбара, масжид ва мадрасалари таъмир эАтилиб, муқаддас зиёратгоҳга айлантирилмоқда. Халқимиз икки буюк сиймо Муҳаммад Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги ва Бурҳонуддин Марғинович таваллудининг ҳижрий ҳисобда 910 йиллигини 2000 йилда нишонлади.

Ислом дини Марказий Осиёла тез тарқалиб, халқ ҳаётининг ҳамма соҳаларига кескин таъсир эта бошла-ди. Ибодат қилувчилар сони кундан-кун кўпайиши ва Исломни ўрганиш учун қизқиш ортиб бориши бу ерда масжид ва мадрасалар қурилишики ривожланти-риб юборди. Ислом йўлида жонбозлик қилган ва унинг ривожланишига яисса қўшган муҳаддис, муфассирлар ва айрим ҳукмрон шахслар (шоҳ, амир, султон ва хон-лар) қабрига мақбаралар қуриш авж олиб кетди. Халқ меъморлари ва усталари IX—X асрдан бошлаб яратган буюк меъморчидик ва санъат обидалари ҳазиргача хориждан келадиган меҳмонларни ҳам ҳаиратта солиб, лол қолиб қуймоқда.

Ўрта Осиёдаги Ислом билан боғлиқ бўлган архитектура ва санъат обидалари XX асргача бунёд этилди ва халқ уларни имкон борича авайлаб, илм даргоҳи, зиёратгоҳ, муқаддас жой деб саклаб келди. Масжид-ларда ибодат қилинган бўлса. мадрасаларда бир Йўла уч тилда (арабча, форсий ва

ўзбек) таълим олиб, за-монасининг илғор зиёлилари бўлиб етишдилар³⁹. Мас-жид, мадраса ва мақбаралар ҳақида қисқа маълумот бермоқчимиз.

Масжид Арабча «сажада» (эгилиш, итоат этиш, сажда қилиб юзини ерга тегазяш) сўзидан атинган бўлиб, «сажда қилинадиган, ибодат қилинадиган жой маъносини билдиради. Маҳаллалардага масжидлар шу ер аҳолиси кундалик памоз ўқиш учун, жаъмоа масжидлари эса кундадик намоз билан бирга жума ва ҳайит намозлари учун мўлжалланган ва уларга шаҳарни марказидан энг яхши жойлар ажратиб берилган. Баъзи масжидлар қоши-да бошланғич мактаб булиб, болалар ўқитилган. Мас-жидлар диний тарғибот вазифасини ўтаган бўлса ҳам, уларда оошқа турли масалалар ҳам ҳал этилган: оила-вий можаратарни ҳал этиш, урушганларни яраштириб қўйиш, баъзи ножўя иш қилганларни тўғри йўлга солиш каби⁴⁰.

Масжидларнинг салқин жойларида дам олиш, ки-тобхонлик, шеърхонлик қилишган, баъзи мусофирлар келиб тунаб ҳам қолган.

Ислом мамлакатларида жуда катта, ҳашаматли мас-жидлар қурилган, улар минг йиллар давомида сақда-ииб келмоқда: Маккадаги Масжид ул-ҳарам, Байтул-муқаддас (Иерусалим)даги Масжид ул-ақсо, Мадинадаги Пайтамбар масжиди энг йирик масжидлардир. Йирик, ҳашаматли масжидлар Бағдод, Дамашқ, Ис-танбул, Қоҳира, Исфакхон, Техрон, Бухоро, Самар-қанд, Хива, Тошкент каби шаҳарларда кўплаб қурил-ган. Масжидлар ёнида баланл миноралар биттадап тўрттагача қурилган. Булар кўпроқ масжидни беаги учун бунёд этилган. 1899 Йили Туркистон ўлкасида 11964 масжид, 11680 та имом бўлган.

Мадраса Арабча «дараса» (ўрганмак) сўзиди бўлиб, жой номи, яъни дарс оладиган, ўқиладиган жой. Мадраса-лар мусулмонларнинг ўрта ва атий ўқув юрти. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳозирги вавқтда мадраса-ларда давлаг муассасалари ходимлари ҳам тайёрлана-диган бўлиб кстди.

³⁹ Ўзбек Совет энциклопедияси. 1—14 жидлар. «Ўзбекис-тон Совет энциклопедияси» бош редакцияси. Т.. 1971—1980.

⁴⁰ Ҳазиний. Тасаддуқ, ё расулаллох. Нашрга тайёрловчи, луғат ва изохлар муаллифи Ахмад Маъдалиев. Т., «Ёзувчи», 1992.

Мадрасалар дастлаб VII—VIII асрларда Ислом дини уламатари мусулмои илоҳиёти масалаларини шарҳлаб бериб турадшан марказ сифатида пайдо бўлди- Кейин-чалик, масжидлар қошида илоҳият марказлари таш-қил топди, мадраса деб атала бошлади. IX—XIII аср-ларда мадрасалар Ислом дини тарқалган мамлакатларда, жумладан, Марказий Осиёда пайдо бўлиб, мадраса учун махсус бинолар қурила бошлади. Мадрасаларни шоҳ, хон, амир ва султонлар, йирик ер эгалари ва давлат-манд кишилар ўз маблағлари ҳисобидан қурдирганлар⁴¹.

Мадрасага диний мактабни битирган болалар қабул қилинган. Мадрасалар ўқув программалари X—XII аср-да ишлаб чиқилган. Мадрасаларда таълим уч босқичда: бошланғич (адно), ўрта (авсат) ва юқори (аъло) би-лимларда олиб борилган.

Маказий Осиё мадрасаларида араб ва форс тилида ёзилган дттний китоблар ўргатилган. Дастлаб форс тилида ёзилган «Аввал илм» китоби, ксйитғчалик араб грамматикаси чуқур ўргатилган («Бидон», «Кофия» китоблари асосида), ундан кейин «Ҳидоя», «Фикҳ Кай-доний», «Мухтасар виқоя», «Шарҳи виқоя» каби ки-тоблар асосида шариат ақидалари ўқитилган. Малрасада тиббиёт, аруз илми, фалсафа, жуғрофиё ва бошқа фан-лар ҳам ўргатилган. Талабалар дарсни ўзлаштиришла-рига қараб мадрасаларда 15—20 йиллаб ўқигашгар.

Мадрасалар ўз даврида фан ва маданият маркази ҳисоблаттган. Улар диний таълим бериш бштан бирга, дунёвий битимлар берилган асосий ўқув юрглари ва-зифасини ўгаган.

Мадрасалар мусулмон оламнда линий иншоотлар сифагида X—XI асрлардан пайдо бўлган. Илк малрасалар бир қаватли, ўртаси ҳовли ва хуж-ралардан иборат бўлгап. XIV—XVI асрларда ҳашаматли мадрасалар қуршд авж олиб кетди. Улар 2—3 қаватли бўлиб, катта ва гўзал пештокли, атрофи хужралар би-лан ўралган, ҳовлиси, дарсхопаси ва масжиди бўлган. Кейинроқ

⁴¹ И. Абдуллаев. Бухорининг арабнавис шоирлари. Т., «Фан» нашриёти. 1965.

катта мадрасалар ёнида миноралар қуриш расм бўлди. Баъзан мадрасаларда хужраларни ҳовли то-мони тоқли айвонлар билан ўралиб, ҳовли ўртасида ҳовуз қилинган.

Марказий Осиёда қуш мадрасалар қуриш ҳам пай-цо бўлди: Самарқандда Улуғбек ва Шердор, Бухорода-ги Модарихон ва Абдуллахон мадрасалари каби. Мад-расаларни ички ва ташқи томон деворлари ва пеш-тоқдарига Қуръондан оятлар кўчириб ёзилган⁴².

Мақбара Қабр устига қурилган сдгорлик биноси, мавзолей. Марқал, турбат деб ҳам аталади. Марказий Осиёдаги мажусийлар (оташпарастлар), буддийлар; насронийлар қабрдарига қурилган архитектура сдгорликлари оддий кўритгитдга зта. Лекин Ислон дини таъсирида вужудга келган мақбаралар ҳашаматли, мураккаб иморатлар си-фатида тараққий этди. Ислонда қабр устига ёдгорлик қўйиш, унга сиғиниш манъ этилган бўлса ҳам, IX асрдап бошлаб мақбаралар қуриш одат тусипи олди. Кейинги асрларда, асосан, подшоҳлар, машхур Ислон дини олимлари, шайхлари қабрлари устига турли мақбаралар қурилди. Оддий мақбаралар тумбазли чор-си хонадан иборат булиб, унга пштокди эшик орқали кирилади (мас. Аработа мақбараси). Баъзан хонанинг тўрт томони ровокди-чордара шаклида бўлади (мас. Ис-моил Сомоний мақбараси). Мақбара қурилиши тобора мураккаблашиб борган. Унда зиератхона, гўрхона, таг-хона-сарцова каби махсус хоналар пайдо бўлган. Ҳятго мақбаралар туфайли улкан архитектура комттлекслари ҳам яратилган (мас. Аҳмад Яссавий матфараси).

Исмоил Сомоний мақбарастт, Султон Санжар мақ-бараси, Амир Темур хтақбараси, Шоҳи Зинда ансамб-ли, Тожмаҳал каби улуғвор мақбаралар меъморлик санъатининг юксак намуналаридир. Улар халқ устзла-ри, меъморлари яратган носб архитектура дурдонала-ридир.

Октябрь тўнтаришидан кейип Марказий Осиёла масжид, мадраса ва мақбаралар қуриш тамоман тўхтади. Динга нисбатан нотўғри сиёсат олиб

⁴². Равшанов Поён. Ватан тарихидан Турон VII-IX асрларда. Қарши, “Насаф” 2003й.

бориш туфайли халқ архитектураси ёдгорликлари бўлган бир қанча мас-жид, мадрасалар бузиб юборилди (Тошкентда Маҳка-ма масжиди, Баланд „масжид каби бир қапма масжид-лар). Қуйида биз Ўрта Осиёда IX—XIX асрларда қурилган энг машҳур масжид, мадраса ва мақбаралар ҳақида маълумотлар берамиз.

Халифаликда илмий изланишлар эрта, Уммавийлар давридаёқ бошланди, кўплаб олимлар халифалар саройида хизмат қилдилар. Булар орасида Север Себахт (XII аср), Жиржис Ускуф, Яқуб-Рухавий (640-702) ва бошқалар бор эди. Улар грек тилидаги қатор асарларни сурёний тилига ағдардилар.

Оббосийлар ҳокимият тепасига келиши (749) билан маданий ҳаётда ҳам бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Араб – ислом маданияти, илм-фани ривожининг энг юқори чўққиси Оббосийлар даврига тўғри келди. Давлат тузими ва идораси, урф-одатлар, ҳаёт тарзи, маданият, меъморчилик каби соҳаларда халифаликнинг шарқи вилоятлари Эрон ва Моварауннахрдан кўпроқ ибрат олганини, бу минтақалардан чиққан арбобларга суянилганини кўраемиз. Бу даврда ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини исломлаштириш кучаяди. Забт этиш сиёсати давом этади. Илм фанда қадимги Гретсия роли аввалгидан ҳам ортади. Г.Э. фон Грюнебаумнинг фикрича, агар грек сурёний ва эроний маданият орқали ўтган эллинистик мерос таъсири бўлганда классик мусулмон маданияти юксак даражада эриша олмаган бўлур эди.

Мисрдаги Александрия, Эдесса, Нисибин, Селевкия, Антиохия, Жундишапур, Бактрия каби эллинистик маданият марказлари халифаликга қарам ва мусулмон маданияти шакллантиришида ижобий рол ўйнаган эди. Бу даврда грек, сурёний, санскрит а форсий тилидаги асарларни араб тилига ағдариш ва шу йўл билан улардан жамоатчиликни баҳраманд этиш муаммоси олдинга сурилади. VIII асрда бошланган таржимонлик иши, эндиликда айниқса авжга чиқади. Халифаликда хизмат қилиб грек, сурёний, форсий ва ҳинд тилларидаги асарларни араб тилига ағдарган таржимонлар орасида айниқса, Хўжайн ибн Исҳоқ (810-873), Исҳоқ ибн Хунайн, Хубайж Собит

ибн Купра, Яхё ибн Ади, Исҳоқ ад Димишқий, Масаржувайхлар оиласи, Ноубахт ибн Муқаффа, ибн Манка, ибн Ваҳшиялар алоҳида ажралиб турадилар. Ислом байроғи остида ривожланган маданиятда юнон элименти билан бир қаторда Эрон Моварауннаҳр элименти ҳам кучлилиги шубҳасиздир. Ҳатто кўпинча бу маданият “форс-ислом” уюшмаси сифатида қабул қилинади⁴³. X аср бошларидан эса форс тили ислом мамлакатларида бадиий адабиёт, айниқса, шеърят тилига айланди, унинг элементлари араб тилига ҳам қўшилди. Ҳатто Испанияда форсий шеърлар ёзиш одат тусига кирди. Жамият ҳаёти тарихи аббосийлар даврида шундай даражага кўтарилдики, энди табиат ва ижтимоий ҳаётдаги у ёки бу ходисани диний ёки адабий афсоналар ёрдамида изоҳлаш имкони қолмайди. Натижада диний муаммоларда ҳам ислом ақидаларига сўзсиз бўйсиниш ўрнига рационал қарашни ислом, исавия, яҳудийлик, зардуштийлик динлари масалалари бўйича илмий баҳслар уюштиришни кўрамиз.

⁴³ И. Абдуллаев. Берунийта замондош шоирлар. Т., «Фан» нашриёти. 1975, 10.б.

II.4. МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ МАВЗУСИНИ ЯНГИ ПЕДОГОГИК ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ

Интерфаол таълим сифат кафолати. Таълим қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"ни таълим жараёнига тадбиқ этиш билан таълимда сифат ва самарадорликка эришиш ва шу орқали модернизация қилинган таълим стандартлари тўлиқ, бажарилиши таъмин этиш даври бошланди.

Мактабларни янги жиҳозлар, асбоб-ускуналар, такомиллаштирилган дастурлар, модернизация қилинган, тажриба-синовдан ўтган стандартлар, дарсликларнинг янги авлоди билан (ижара тариқасида) таъминлаш, компьютерлаштириш Давлат умуммиллий дастури асосида изчил амалга оширилмокда⁴⁴. Таълимда моддий база, стандарт, ўқув режалар, дастур ва дарсликлар қанчалик такомиллаштирилмасин, кўтилган асосий натижага эришиш, чуқур ва пухта билим бериш, юқори сифатдаги ўзлаштиришга эришиш бевосита назарий ва амалий машғулотларни олиб боровчи ўқитувчининг ижодкорлиги, изланувчанлиги, малакасига педагогик маҳоратига боғланиб қолаверади, ўқув-билув марказида эса ўқувчи турмоғини тақозо этади⁴⁵.

Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси мавзусини янги педогогик ва ахборот технологиялари асосида ўқитишда ҳам таълим мазмуни асосан ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Бунда, интер(ўзаро) фаол усул ўқувчиларга дарс жараёнини яхши ташкил этишга қулай муҳит яратилади. Ўқувчиларнинг ўзаро фикр алмашишларига имкон берилади. Ўзаро ахборот олиш ва бериш учун шароит туғдирилади. Ечимини кутаётган масалаларни ҳамжиҳатликда муҳокама этадилар,

⁴⁴ Таълим тараққиёти. Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими вазирлигининг Ахборотномаси 2-Махсус сон, 1999 йил. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. - Т., "Шарқ", 1999 й. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар. I қисм. - Тошкент, 1998 йил.

⁴⁵ Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г. Интерфаол таълим сифат кафолати. Т., 2008, 29 б.

ечадилар. Вазиятдан чиқишда ҳамкорликда ечим топадилар. Олган ахборотлари асосида билимларини бир-бирларига намоёиш этадилар. Бир-бирларидан илхомланиб, рухий қониқиш ҳосил қиладилар. Бир-бирларини тушуниб, балки қизиқиш пайдо бўлиб, вақт ўтганини билмай қоладилар. Ҳар бир иштирокчи таълим мазмунини муаллифлардек ҳис этадилар. Таълим мазмунини тўла ўзлаштиришга эришадилар.

Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси мавзусини ўқитишнинг Интерфаол методлари деганда, ҳозирда янгича методларни ёки инновацияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш ҳақида гап борганда интерфаол усулларнинг ўқув жараёнида қўлланилиши тушунилади.

- Интерфаоллик бу ўзаро икки киши фаоллиги, яъни бунда ўқув-билув жараёни ўзаро суҳбат тарикдсида, диалог шаклида (компьютер алоқаси) ёки ўқувчи-ўқувчининг ўзаро мулоқотига асосан кечади.

- Интерфаоллик-ўзаро фаоллик, ҳаракат, таъсирчанлик, у ўқувчи ва ўқитувчи мулоқотларида содир бўлади. Интерфаол усулнинг бош мақсади ўқув жараёни учун энг қулай вазият яратиш орқали ўқувчининг фаол, эркин фикр юритишига муҳит яратишдир⁴⁶.

Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси мавзусини ўқитишнинг бир соатлик дарс намунасини бизга кўпроқ маъқул бўлган ақлий ҳужум усулида тақдим этмоқчимиз.

Ақлий ҳужум методини дарс жараёнида қўллаш учун дастлаб қуйидаги тавсияларни бермоқчимиз. Дастлаб, ўқувчиларнинг ўзларини эркин ҳис этишларига шароит яратиб бериш. Ҳолатларни ёзиб бориш учун ёзувтаҳтаси ёки варақларни тайёрлаб қўйиш. Муаммо (ёки мавзунини) аниқлаш. Машғулот жараёнида амал қилиниши лозим бўлган шартларни белгилаш. Билдирилаётган ҳолатларнинг гуларнинг муаллифлари томонидан асосланишига эришиш ва уларни ёзиб олиш. Қўғоз варақларни ҳоя (ёки фикр)лар билан тўлдирилгандан сўнг уларни ёзув таҳтасига осиб қўйиш. Билдирилган

⁴⁶ Таълим тараққиёти. Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими вазирлигининг Ахборотномаси 2-Маҳсус сон, 1999 йил 286.

фикрларни янги ғоялар билан бойитиш асосида уларни қувватлаш. Бошқалар томонидан билдирилган фикр (ғоя)лар устидан кулиш, кинояли шархларнинг билдирилишига йўл қўймаслик. Янги ғояларни билдириш давом этаётган экан, муаммонинг ягона тўғри ечимини эълон қилишга шошилмаслик. Ўқувчи томонидан билдирилаётган ҳар қандай ғоя баҳоланмайди. Ўқувчиларнинг мустақил фикр юритишлари, шахсий фиколарини илгари суришлари учун қулай муҳит яратилади. Ғояларнинг турлича ва кўп микдорда бўлишига аҳамият қаратилади. Бошқалар томонидан билдирилаётган фиколарни ёдда сақлаш, уларга таянган ҳолда янги фиколарни билдириш, билдирилган фиколар асосида муайян хулосаларга келиш каби Ҳаракатларнинг ўқувчилар томонидан содир этилишига эришилади.

Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси **мавзусини ўқитишнинг 1-шакли “Ақлий ҳужум”** методини ўтказилиш технологиясини қуйидагича тушунтирса бўлади. Бу методни ўтказувчи киши маълум муаммони илгари суради ва иштирокчилардан бу муаммони ҳал қилиш бўйича қандай мулохазалари борлигини сўрайди, ҳамда, улардан кенг қўтилмаган фиколарни ҳам илгари суришларини сўрайди. Методни ўтказувчи киши барча фиколарни ёзиб боради. Шу ўринда айтилаётган фиколарга нисбатан танқидий муносабат билдирмайди ва фиколар охиригача, сўнгиси айтилганигача ёзиб борилаверади.

"Ақлий ҳужум" методини ўтказишда ақлий толиқишни оладиган психологик машқларни ўтказиш мумкин. Масалан, махсус бўлимлар талаб қилинмайдиган масала ёки вазиятларни ечиш мумкин.

Шундан кейин "Ақлий ҳужум" методини ўтказишнинг бевосита шартларига ўтиш мумкин бўлади. Экранда: - мақсадлар: режа ва қоидалар акс эттирилади.

Бу тадбирларни амалга оширишга 10 дақиқагача вақт талаб қилинади.

1.2. "Ақлий ҳужум" методининг шиорини танлаш

Иложи борича "Аклий хужум"нинг шиоридан фойдаланган маъкул. Чунки айнан шу шиор мўтахассислар командасини ғояларнинг тезлик билан тугилишига жалб қилади. Методни ўтказувчи экранда бир канча шиорларнинг вариантларини тавсия қилади. Масалан, биз масалани ечамиз ва муаммолар қолмайди!

1.3. Муаммони қўйиш ва уни тушунтириш

Бу босқичда асосий роль "Аклий хужум" методини ўтказувчига боғлиқ бўлади. У ташкилотчи ва ижодкор бўлмоғи лозим. Олдинига у "Аклий хужум" методи иштирокчиларига бир канча муаммолардан бирини танлашни таклиф қилади. Шу билан биргаликда танланган муаммо мўтахассис-қатнашчилар учун долзарб, таниш, қизиқарли бўлмоғи лозим. Агар бу педагогик муаммо бўлса, унда, масалан, ўқув жараёнини фаоллаштириш муаммосини ўрганиш мумкин.

"Аклий хужум"да қуйидаги қоидаларга амал қилинади:

1. Ғояларнинг илгари сурилиши босқичида танқид (хатто хазил) мўтлақо тақиқланади.
2. Оригинал, хатто фантастик ғоялар рағбатлантирилади.
3. Барча ғоялар ёзиб борилади ёки аудио ёки видеоплёнкада қайд қилинади.
4. Агар маъкул топишса муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб бориши мумкин.
5. "Аклий хужум" методи қатнашчилари ҳаммаси бир-бири билан юридик ва административ (маъмурий) жиҳатдан мўтлақо боғлиқ бўлмаслиги зарур.
6. Таҳлилчилар гуруҳи нисбатан самарали ғояларни таҳлил қилади, синтез қилади, баҳолайди ва танлайди.

Бизни дарс жараёнидаги қўллаётган усулимиз "Аклий хужум" методи беш босқичдан иборат бўлиб, қуйида уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз.

2-шакл

Мирзо Улуғбек даврида Мавароуннаҳр мавзусига оид муаммони ёзинг.
Муаммони ҳал қилиш бўйича сизнинг ғояларингиз.

Ғоянинг янгилиги нимада? Қўтилаётган кийинчиликлар, ўз^{ига} хос хусусиятлар, бажаришнинг таклиф қилинган муддати. Сизнинг шахсан катнашадиган қисмингиз, бажариш алгоритми. Қўтиладиган натижалар_____

Ғоя муаллифининг исми-шарифи.

2.2. Бевосита генерация босқичи

Генерация эксперимент (разведка) босқичи секин-аста бевосита генерация босқичига ўтади. Бунда энди ҳар бир иштирокчи ўзининг оригинал ғоясини илгари сўради. Махсус ассистент ғояларни қандай айтилаётган бўлса, шундайлигича ҳеч қандай шарҳсиз ёзиб боради.

Агар методни ўтказувчи иштирокчиларнинг янги ғояларни илгари сурмай қуяётганини сезиб қолса, уларни илгариги фиқоларининг аксини айтишга чорлаш керак бўлади. Шунда уларда "иккинчи нафас" очилади.

Бу босқичнинг сўнгида (бу босқич 20-30 дақиқа давом этади) раҳбар барчага "Ақлий ҳужум"да қатнашганликлари учун миннатдорчилик билдиради.

Хулоса

Араблар истилоси ва ҳукмронлиги Ватанимиз ҳудудида қанчалик мураккаб ижтимоий-сиёсий оқибатлар билан боғлиқ бўлмасин, шу билан биргаликда якка худолик ғояси, илғор ижтимоий сиёсий, фалсафий карашларни ўзида мужассам этган ислом дини ва таълимотининг ўлкамизда аста секин илдиз отиб бориши, улуғ аجدодларимиз ҳаёти ва тафаккурида катта аҳамиятга эга бўлди.

Юртбошимиз ”Биз ота боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз, одамзод руҳий дунёсида имон эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз“⁴⁷, деб таъкидлаганлиги бежиз эмасдир. Зеро ўлканинг маънавий юксалиши ни таъминлаш, одамларнинг бир-бирига қон-қардошлиги ҳамжиҳатлигини жипслаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ислом дини, бу бирлашувни мафкуравий тасдиқловчи, оқловчи бўлди: ҳамма учун баб-баравар принциплар, миллатларнинг этник келиб чиқишига қарамай, дин олдида ҳамманинг ҳуқуқ тенглиги араблар олдида катта имкониятлар тўғдирди. Натижада ислом байроғи остида бирлашган араб қабилаларининг босқинчилик сиёсатини амалга оширишга қодир вазият юзага келди.

Халифаликда тараққиёт даражаси турлича бўлган мамлакатлар ва халқларнинг бир давлатга бирлашув, улар ўртасида яқин алоқаларнинг ўрнатилиши, иқтисодий ҳаётнинг раванқ топиши, ички-ташқи савдо алоқалари ривожига туртки берди. Натижада халифаликни ташкил этган халқлар маданияти Оврупадаги тарқоқ давлатлар, мамлакатлар маданиятидан юқори даражада бўди. Металлургия, тўқувчилик саноатида қатор янгиликлар кашф этиди. Қоғоз, сопол ва шиша буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, маданлар қазиб олиш ва қайта ишлаш тараққий эттирилди. Қишлоқ хўжалиги

⁴⁷ Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Том-7. Т.: Ўзбекистон, 1999, 300 б.

соҳасида халифаликдаги ривожланган мамлакатлар, айниқса, Марказий Осиё халқлари ютуғи суний суғориш, гидротехник иншоотлардан фойдаланиш, тўғонлар, ариқлар, сув омборлари қуриш, боғдорлик, полиз, техник (пахта, шакарпоя) ўсимликлар экиш қабиладан бошқа халқлар ҳам баҳраманд бўлдилар. Халифаликни ташкил этган минтақаларда хунармандчилик, бозор учун буюмлар ишлаб чиқариш, ички савдо алоқалари, товар алмаштиришлар кенг йўлга қўйилди.

Савдо ва хунармандчилик, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар турли муаммоларни келтириб чиқарди. Уларнинг ечимини топиш илм-фаннинг ривожига эҳтиёж туғдирди. Жумладан, математика, астронимия, табиат фанлари, кemasозлик ва катта иншоотлар қуриш қабиладан учун ўта зарур эди. Аҳолининг кўпайиши, шаҳарлар сонининг ошиши ва умумий тараққиёт даражаси таъминот фани ривожини таъминот қилди. Саноат, хунармандчилик тараққиёти маданиятни юксалтирди. Ислom дин сифатида шаклланган даврда араблар ярим бадавий элатлардан иборат бўлган халқ эди. Табиийки, улар забот этилган халқлар маданиятини зудлик билан ўзлаштирадилар. “Араб маданияти” деб ном олган маданият халифаликни ташкил этган халқлар маданияти асосида ислomга мужассамлаштирилган маданият эди.

Бироқ халқимиз ислom динини бирданига қабул қила олмаган. Бунинг сабаби аجدодларимизнинг юксак маданият соҳиблари бўлганлигидир. Шунга боғлиқ ҳолда, бу ўлкада, ўз даврида жаҳоннинг энг йирик давлатларидан бири ҳисобланган Араб халифалигини ларзага солган кўзғолонлар бўлиб ўтган. Бироқ, кўзғолонига қарши курашган араб истилочиларининг лашкарлари давлат ҳокимияти қўшини бўлиб у тартибли, уюшган катта куч эди ва у доимий суратда Араб халифалиги томонидан ҳарбий ва моддий томондан таъминланиб турди. Кўзғолончилар кучлари эса нима бўлганда ҳам турли тоифа ва табақаларнинг вақтинчалик қурама уюшмасидан ташкил топган эди ва доимий мунтазам таъминланиб турадиган ҳарбий ва моддий захирага эга эмас эди. Иккинчидан, улар томонида туриб жанг қилган кучлар турли тоифа, табақа ва гуруҳларга мансуб эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А.. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А.. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Том-7. Т.: Ўзбекистон , 1999
- Каримов и. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И. А.Тарихий хотирасиз келажак йуқ .Т.,1998,11 б.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йулидан. IV. Т.,«Ўзбекистон», 1996.
6. Ал-Қуръон ал-Карим. Таржимон ва тафсир қилувчи Сайид Маҳмуд ибн Сайид Назир аг-Тарозии ал-Маланний. Ўзбек араб ёзувидан нашрга

тайёрловчи сўзбошн ва изохлар муаллифи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат шшриёти. 2000

7. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис (ал-Ҳомеъ ас-сахих). 1-жилд. Таржимон З.Исмоилов. Т., Қомуслар бош тахририятн, 1997.

8. Абу Абдумоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис (ал-Ҳомеъ ас-сахих). 3-жилд. Таржимонлар: Р.Қосимов ва Б. Набихонов. Т., Қомуслар бош тахририяти, 1997.

9. Асқаров А..А. Ўзбекистон тарихи.Т., Фан, 1992, 94б.

Абдуллаев И. Берунийта замондош шоирлар. Т., «Фан» нашриёти. 1975.

10. Абдуллаев И. Бухоронинг арабнавис шоирлари. Т., «Фан» нашриёти. 1965.

11. Наршахий М. Бухоро тарихи. Т., “Камалак” 1992.

12.Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сии-молар, алломалар, адиблар). Т.. Абдулла Қодирий номидаги нашрнётн, 2001.

13.Ўзбек Милдий энниклопедияси. 1—5 жиддлар. «Ўзбе-кистон Миллий энликлопедияси» Давлат нашриети. Т., 2000— 2003.

14. Узбск Совет энциклопедияси. 1—14 жилдлар. «Ўзбскистон Совет энциклопедияси» бош редакцияси. Т.. 1971—1980.

15.Ҳазиний. Тасаддуқ, ё расулаллоҳ. Нашрга тайёрловчи, луғат ва изохлар муаллифи Ахмад Маъдалиев. Т., «Ёзувчи», 1992.

16. Равшанов Поён. Ватан тарихидан Турон VII-IX асрларда. Қарши, “Насаф” 2003й.

17. Усмонов Қ., Содиқов М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи.1- қисм. Т.: Фан, 2002

18. Борисов В.М. Арабское средневековье и ислам, М, 1968.

19. Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Т., 1990.

20. Айний. С. “Муқанна кўзғолони”. Душанбе. 1993

21.Аҳмедов. Б. Ўзбекистон тарихи халқлари манбалари. Тошкент, 1991.

22. Беляев В. А. Илк ўрта асрларда араблар, ислом, Араб халифалиги, М, 1965.

23. Муҳаммаджонов. А. Р. Пойканд шаҳри харобалари. Тошкент, “Фан”, 1988
24. Қодирова Т. Қ. VIII ва IX аср бошида Мовароуннаҳр ва Хуросонда деҳқонлар кўзғолонлари тарихидан. Тошкент, 1965.
25. Муҳаммаджонов. А. Ўзбекистон тарихи, Тошкент, 1994.
26. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000.
27. Каримов Ш., Шамсўтдинов Р. Ватан тарихи, Тошкент, 1997.
28. Саидкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар (1-қисм) Т.: 1993. 159 б.
29. Беруний. қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд. Т.: 1968. 356 бб.
30. Адам Мец. Мусульманский Ренессанс. -М., 1973. 351 бб
31. Крачковский И. Ю. Арабская географическая литература. Изб. Соч. Т.4. - М.-Л., 1957
32. Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. Т.: Ўқитувчи 1990. 190
33. Сагдуллаев А. Ўзбекистон тарихи илк ёзма манбаларда Т.: Ўқитувчи 1994.
34. История Узбекистана в источниках. Составитель Б.В.Лунин. Т.: 1984 г ст
35. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Т.: 1990. 159 б.